БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 79 (1341)
21 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Квадрат-уялаб чигит экиш планини сифатли қилиб бажарган илғор пахтакорлардан ўрнак олайлик!



Чиноз районидаги «Қизил октябрь» колхозида чигит экиш тугалланай деб қолди. Колхознинг ўртоқ Расул Исоқов бошлиқ тюпкочи звено аъзолари 30 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экдилар. Суратда: звено бошлиғи Расул Исоқов сўнгги гектар ерларга чигит экмоқда.

М. Устабобоев фотоси.

Чигит экишда сифат ва квадратга жиддий эътибор берайлик

Областимиз колхоз ва совхозлари суръатни жадаллаштириб, чигит экишни яқин кунлар ичида тамомлаш ва уни барча майдонларда бир текис ундириб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Экишнинг энг қизғин ва масъулиятли кунлари бирин-кетин ўтиб бораётир, тез ва соз экиш учун об-ҳаво жуда катта қулайлик туғдирмоқда.

Ғўза кун санайди деб бекорга айтмаганлар, эрта эксанг — эрта йиғасан, пахта яхши етилади, ҳосилинг мўл бўлади. Бу ҳақиқатни яхши тушунган тажрибакор пахтакорлар ҳозирги қулай кунлардан самарали фойдаланиб, экишни оби-тобида сифатли ўтказмоқдалар. Дастлабки кунларда экилган майдонларда чигит бир текис униб чиқмоқда, яшил квадратлар ҳосил бўлмоқда. Илғор хўжаликларнинг баъзи бир бригада ва звеноларида ғўзанинг биринчи парвариши бошлаб юборилганлиги ҳақида редакциямизга ҳар куни қувончли хабарлар келиб турибди.

Областимизда 50 центнерчилар ҳаракатининг ташаббусчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ганишер Юнусов бригадасининг довруғи бутун республикамизга тарқалди. Гулистон районидаги Ленин номли колхозининг 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган бу бригада аъзоларининг ташаббуси ҳамма жойда қизғин маъқулланмоқда. Ҳозир Ганишер Юнусов бошлиқ бригаданинг квадрат-уялаб чигит экилган 23 гектар картасида чигит текис униб чиқиб, яшил квадратлар ҳосил бўлди. Бригада аъзолари ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юборишдилар.

Оққўрғон районининг колхоз ва совхозлари бу йил чигит экишни зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Райондаги энг илғор «Ленинобод» колхозида ва «Оққўрғон» совхозида ҳозир сўнгги гектарларга чигит экилмоқда. «Ленинобод» колхозида 700 гектар пахта майдонининг 280 гектарига квадрат-уялаб чигит экилди ва асосий майдонлардаги ғўзани икки томонлама парвариш қилишга қарор қилинди. Колхознинг ўртоқ Пўлатхўжа Тошхўжаев бошчилик қилаётган трактор-далачилик бригадаси 95 гектар ернинг 70 гектарига режа сими тортиб, квадрат-уялаб чигит экди ва экишни колхозда биринчи бўлиб тамомлади. Бригада аъзолари чигит бир текис униб чиққан 12 гектарлик картада ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юборишдилар. «Оққўрғон» совхозининг 520 гектар ернинг 370 гектарига квадрат-уялаб чигит экган ўртоқ Отажон Хўжаев бошлиқ 7-бўлимида ҳам чигит бир текис униб чиққан майдонларда ғўза парваришига киришилди.

Лекин, областимиз колхоз ва совхозларида шундай фактлар ҳам борки, бригадаларда чигит яхши ишланмаган, серкесак ерларга экилмоқда, уруғ белгиланган чуқурликка кўмилмаётир, дала четлари ва бурчакларида анча ер экилмай қолмоқда. Бундай фактлар айниқса Пискент, Бўка, Мирзачўл ва Юқори Чирчиқ районларида содир бўлмоқда.

Яқинда область партия комитети Пискент районида чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш юзасидан олинган мажбуриятнинг қонларсиз бажарилаётганлиги ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Бу қарордан кейин ҳам Пискент районида квадрат-уялаб чигит экишда жиддий ўзгариш бўлмаётир. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари Латипов ва Магазов ўртоқлар область партия комитетининг кўрсатмасидан ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. 20 апрелгача Қуйи Чирчиқ райони квадрат-уялаб чигит экиш планини 102,7 процент, Янгийўл райони 88,4 процент ва Оққўрғон райони 81,2 процент бажарганлари ҳолда, Пискент районида план фақат 49,1 процент бажарилган.

Чигит экиш учун энг қулай кунлар ўтиб кетаётганлигига қарамасдан, квадрат-уялаб чигит экиш планини тўла бажариш учун ҳамма имкониятларга эга бўлган баъзи бир йирик колхозлар ҳар хил сабаблар билан режа сими тортиб чигит экишни пайсалга солиб келмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», «Полярная звезда», Бўка районидаги Вильямс номли ва Янгийўл районидаги «Шарқ юлдузи» колхозларида квадрат-уялаб чигит экиш планининг бажарилиши хавф остида қолмоқда. Афтидан, бу колхозларнинг раҳбарлари область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган VII пленумининг пахтачиликка комплекс механизацияни жорий қилиш ва ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш ҳақидаги қароридан ўзлари учун амалий хулосалар чиқариб олмаганга ўхшайдилар.

«Тошкент ҳақиқати»нинг 19 апрель сонида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Экиш сифатини бузиш ҳамда квадрат-уялаб чигит ва маккажўхори экиш топшириғини бажармаслик фактлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу қарорда Тошкент областида ҳам чигит ва маккажўхорини квадрат-уялаб экиш жуда кечикиб кетаётганлиги, 17 апрелгача Тошкент областида умумий экиш плани 52 процент бажарилганлиги ҳолда, атиги 40 процент майдонга квадрат-уялаб чигит экилганлиги қайд қилинган. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси — Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиб, квадрат-уялаб чигит ва маккажўхори экиш суръатини кучайтиришдан ва бу ҳақда берилган планнинг албатта бажарилишини таъминлашдан иборат.

Чигитни ўз вақтида, энг яхши агротехника муддатларида сифатли экиб олиш, квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан берилган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш — юқори ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи ва биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Сифатли экиш ва тўғри квадрат ҳосил қилиш мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қилади. Шунинг учун экиш вақтида сифат ва режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экиш устидан қаттиқ контроль ўрнатиш керак. Шунга эришайликки, квадратлар аниқ чиқадиган бўлсин, уруғлик чигит тўғри тайёрлансин, экиш нормасига риоя қилинсин, сеялкаларнинг экувчи аппаратлари соз ишласин, экиш агрегатлари тўғри чизиқ бўйича юргизиб борилсин, қатор ораларининг ораси бир хил кенглиқда бўлсин, чигит зарур чуқурликка тушсин.

Ўтган йили чигит экиш учун ажратилган майдонлардан тўла фойдаланиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланганига қарамай, кўпгина колхоз ва совхозларда гектарлардан тўла фойдаланиш чоралари кўрилмади, ер бурчаклари ва марзаларга, қаторлар ичидаги ариқлар ёқасига чигит экилмади. Чигит ола чиққан жойларга кўчат ўтказиш ва чигит экиш ўз вақтида ва ҳамма майдонларда ўтказилмади. Кўпгина колхозларнинг раҳбарлари квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан берилган топшириқни бажармай, давлат манфаатларига зид иш қилдилар. Бу йил ўтган йилги камчиликлар асло такрорланмаслиги, чигит экишда сифат ва квадратга жиддий эътибор берилиши керак.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Етти йилликнинг биринчи йилида мамлакатга 460 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятимизга муваффақиятли бажариш учун экиш кампаниясини агротехника қоидаларига амал қилиб зўр уюшқоқлик билан сифатли ўтказайлик, квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан белгиланган топшириқни сўзсиз бажариш учун барча ҳамма тадбирларни кўрайлик, бу йил пахтачиликка комплекс механизацияни кенг жорий қилиш ва пахта теримини машиналаштириш учун ҳозирдан бошлаб пухта тайёрланайлик!

Ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

Қадрдонимиз Никита Сергеевич!

Улуғ ўртоғимиз ва дўстимиз. Лениннинг содиқ шогирди, Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг атоқли арбоби бўлган Сизни олтмиш беш ёшга тўлган кунингизда қизғин ва чин кўнгилдан қутлаймиз.

Бутун партия ва бутун совет халқи билан бирликда биз Сизни коммунизм тантанаси учун, бутун дунёда тинчлик учун ҳормай-толмай курашаётган, ленинча ишлаш услубининг намунасини, меҳнаткашларнинг манфаатларига фидокорона хизмат қилиш намунасини кўрсатаётган киши деб биламиз.

Сиз ўзингизга хос бўлган бутун жўшқин ғайратни, ўзингизнинг бой сиёсий тажрибангизни, донишмандлигингизни ва дадил ташаббусингизни мамлакатимизда коммунизм қуришга, Совет давлатининг қудратини мустаҳкамлашга, социалистик лагернинг ҳамда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг позицияларини мустаҳкамлашга сарфламоқдасиз.

Кейинги йилларда Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг етилган масалаларини ҳал қилишда Сизнинг халқ манфаатлари тўғрисида ленинча ғамхўрлик қилиб, большевикча дадил ва ижодий иш олиб борганлигингизни биз алоҳида тақдирлаб ўтишни истаймиз. КПСС Марказий Комитетининг шу йилларда совет жамиятининг коммунизм сари боришини жадаллаштиришга, қишлоқ хўжалигини ва саноатни кескин равишда юксалтиришга ҳамда меҳнаткашларнинг фаровонлигини тубдан яхшилашга қаратилган энг муҳим сиёсий ва иқтисодий тадбирлари Сизнинг ташаббусингиз билан ва Сизнинг раҳбарлигингизда ўтказилди.

Сиз шу қадар кўп гайрат ва маҳорат сарфлаётган узоқни кўрувчи, пишиқ ва принципиал совет ташқи сиёсати Совет давлатининг халқаро мақёсдаги обрўйини ниҳоят даражада ошириб юборди.

Қадрли Никита Сергеевич! Сизнинг бутун фаолиятингизни биз ўзимиз учун катта ва кичик масалаларни ҳал қилишда партия ва давлат нуқтаи назаридан қарашнинг намунаси деб, ишчилар синфининг тарихий ишига фидокорона хизмат қилишнинг намунаси деб, халқ билан чамбарчас алоқада бўлишнинг, марксизм-ленинизм принципларига қатъий содиқликнинг намунаси деб билмоқдамиз. Сиз ўз докладларингизда ва нуқталарингизда марксизм-ленинизм назариясини ижодий бойитиш, айниқса социализм ва коммунизм қурилиши масалаларида ижодий бойитиш намуналарини кўрсатмоқдасиз.

Сиз мана шу ажойиб сифатларингизнинг ҳаммаси туфайли партия ва халқнинг муносиб муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлдингиз.

Сиз, қадрдонимиз Никита Сергеевични маҳкам қучоқлаб, чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, совет халқининг бахт-саодати йўлида, коммунизм манфаатлари йўлида узоқ умр ва самарали ишлашингизни тилаймиз! Самимий дўстлик ҳисларимизни, чуқур ҳурматимиз ва муҳаббатимизни Сизга шу ажойиб кунда шахсан топшириш имкониятига эга бўлмаганлигимиз учун жуда афсусланамиз.

А. АРИСТОВ, Н. БЕЛЯЕВ, Л. БРЕЖНЕВ, К. ВОРОШИЛОВ, Н. ИГНАТОВ, А. КИРИЧЕНКО, Ф. КОЗЛОВ, О. КУУСИНЕН, А. МИКОЯН, Н. МУҲИТДИНОВ, М. СУСЛОВ, Е. ФУРЦЕВА, Н. ШВЕРНИК, Я. КАЛНБЕРЗИН, А. КИРИЛЕНКО, Д. КОРОТЧЕНКО, А. КОСИГИН, К. МАЗУРОВ, В. МЖАВАНАДЗЕ, Н. ПОДГОРНИЙ, Д. ПОЛЯНСКИЙ, П. ПОСПЕЛОВ.

1959 йил 16 апрель.

СССР СПОРТ ЖАМИЯТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ СОЮЗИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАМОМ БЎЛДИ

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг Бутуниттифоқ таъсис конференцияси 18 апрелда ўз ишини тамомлади.

Конференцияда СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг вазифалари тўғрисида қарор қабул қилинди, союзнинг устави тасдиқланди.

Делегатлар кун тартибидаги учинчи масалага ўтиб, СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг 137 кишидан иборат Марказий кенгашини сайладилар. Союзнинг Марказий ревизия комиссияси сайланди.

Конференция қатнашчилари кўп миллионлик совет физкультурачилари ва спортчилари армияси номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига гоят баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. Залда гулдурос қарсаклар узоқ янграйди.

* * *

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий кенгашининг раиси қилиб Н. Н. Романовни сайлади.

Раис ўринбосарлари қилиб Д. В. Постников, Е. И. Валуев, М. М. Песляк, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Э. К. Беман, ВЦСПС секретари А. И. Шевченко ўртоқлар сайланди.

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий кенгаши президиумининг состави сайланди. (ТАСС).

Қуйи Чирчиқ район пахтакорларининг меҳнат ғалабаси

Қуйи Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йиллиқнинг биринчи баҳорини катта муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Районда баҳорги экиш тез суръат билан давом этмоқда.

Ҳозирги пайтда экиш ишлари тамомланай деб қолди. Район бўйича экиш плани асосан бажарилди, **режа симлари билан чигитни квадрат-уялаб экиш бўйича берилган топшириқ эса ортиғи билан бажарилди. 4454 гектар пахта майдонининг 4110 гектарига чигит режа сими ёрдами билан квадрат-уялаб жойлаштирилди.**

Чигитни квадрат-уялаб экишда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози (директори Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Лонговой ўртоқлар) нинг механизаторлари ва пахтакорлари коллективи айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Совхоздаги 3600 гектар пахта майдонининг ҳаммасига чигит квадрат-уялаб экилди. Бу илғор коллектив партиямизнинг тарихий XXI съезди арафасида ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Қорасув районидаги Карл Маркс номли колхоз хўжалигида картошка, сабзавот ва полиз экинлари катта ўрин тутади. Ҳозир апрель ойи бошида ўтказилган помидор кўчатлари яхши парвариш қилинаётир. Колхозчилар май ойида помидор ҳосилини етилтириш учун курашаётирлар.

Ж. Холматов.

* * *

«XX партсъезд» колхози Калинин районининг йирик хўжаликларидан бири. Колхоз аъзолари картошка ва сабзавот маҳсулотларини сероб қилиш учун астойдил курашмоқдалар. Бу ҳаракатда ўртоқ Қ. Азимов бошлиқ 6-бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Улар бу йил 1800 тонна сабзавот ва картошка етиштиришга аҳд қилганлар.

Р. Муллажонов.

Квадрат-уялаб чигит экиш илғорлари

КПСС XXI съездида пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, янги прогрессив методларни кенг қўлланиш, етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдами билан териб олиш вазифалари қўйилди. Бу йил областимиз бўйича мамлакатга 460 минг тонна пахта етказиб бериш учун астойдил курашаётган илғор колхозлар ва совхозларда ана шу муҳим ва шарафли вазифани тўла бажариш мақсадида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оққўрғон районида бу йил 7600 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилган эди. Бу усул ҳосилдорликни оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини эндиликда яхши тушуниб етган совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари ана шу планнинг тўла бажарилишини таъминламоқдалар. Айниқса «Оққўрғон» совхози ишчи ва механизаторлари эришган ютуқлар мақтовга лойиқдир. Улар шу кунгача 3600 гектардан ортиқ ерга сифатли қилиб квадрат-уялаб чигит эндилар ва бу соҳадаги топшириқни 102 процент қилиб бажардилар. Райондаги Тельман номли колхозда 300, Сталин номли колхозда 380, «Октябрь 40 йиллиги» колхозида 328, Калинин номли колхозда эса 750 гектар ерга режа симлари тортиб, янги усулда чигит экилди. Район бўйича квадрат-уялаб чигит экиш плани бажарилиш арафасида турибди.

Областимизнинг юқори ҳосили Оржоникидзе райони колхозларида ҳам бу йил янги усулда чигит экишга яхши эътибор берилди. Олдинги йилларда янги усулга шубҳаланиб қараб келаётган баъзи колхозларнинг раҳбарлари бу йил квадрат мўл ҳосил гарови эканлигини ўзлари эътироф қилмоқдалар. «Қизил Ўзбекистон» колхозида шу кунгача 400, Киров номли колхозда 230 ўрнига 256 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди. Ленин номли колхозда эса бу соҳадаги план ортиғи билан бажарилди.

Областимизнинг Янгийўл, Бекобод, Қуйи Чирчиқ районларида ҳам ҳосилни машина билан териб олишга мослаштириб, квадрат-уялаб чигит экиш кенг авж олдирилган.

Областимиз колхоз ва совхозлари пахтакорлари квадрат-уялаб чигит экиш планини муваффақиятли бажариб, ғўза парваришини бошлаб юборган илғорлардан ўрнак олишлари ва бу соҳадаги топшириқни тўла бажариш учун астойдил курашишлари лозим.

Область колхоз ва совхозларида чигит, маккажўхори ва оқжўхори экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 20 апрелгача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Экилган чигитнинг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Экилган маккажўхори ва оқжўхорининг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	86,0	81,2	58,0	14,7
Боёвут	61,3	59,4	45,9	47,0
Бекобод	76,9	78,8	70,2	42,2
Бўка	75,1	51,5	90,0	26,4
Верхне-волинск	62,8	61,3	46,0	56,4
Юқори Чирчиқ	79,8	42,1	65,6	23,6
Гулистон	71,7	64,8	47,6	39,3
Мирзачўл	52,8	55,0	29,6	28,1
Қуйи Чирчиқ	96,8	102,7	65,4	55,7
Оржоникидзе	85,6	75,2	62,5	9,0
Пискент	75,7	49,1	54,0	13,2
Ўрта Чирчиқ	76,4	55,2	52,3	36,4
Сирдарё	72,1	53,3	32,3	32,1
Чиноз	86,0	68,0	36,7	17,0
Янгийўл	88,1	88,4	59,5	36,4
Бўстонлиқ	—	—	53,2	29,0
Калинин	—	—	56,4	25,7
Қорасув	—	—	50,6	82,2
Паркент	—	—	32,4	5,5
Олмалиқ шаҳри	—	—	5,7	1,8
Оҳангарон шаҳри	—	—	4,9	0,6
Янгиер шаҳри	—	—	86,1	21,0

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ — ПАХТАЧИЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

Пахтачиликни комплекс механизациялаштирамиз

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съездида пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг 1959 йилда пахта теримини машиналаштиришни тубдан яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» махсус қарор ҳам чиқарди.

Республикамиз, шу жумладан областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган ана шу тадбирларни амалга ошириш мақсадида астойдил ишга киришдилар. Бу масала область партия комитетининг пленумида ҳам муҳокама қилинди.

Комплекс механизация ҳосилдорликни оширади, маҳсулотнинг таннархини камайтиради, меҳнат ва маблағларнинг кўплаб тежалишига имкон беради. Бунинг натижасида колхозчиларнинг меҳнат кунлари қиймати ошади.

Областимизда пахтани қўлда теришдан машинада теришга ўтиб, яхши натижаларга эришаётган илғор хўжаликлар, механизаторлар кўп. Сирдарё районидаги «Малик» совхозида ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 48 процента машинада терилди. 1-«Боёвут» совхозида ҳам машинада пахта теримига яхши эътибор берилди. Янгийўл районидаги Киров номли колхозда ҳар йили кўплаб пахтанинг машинада терилишини биламиз. В. Гюпко, Н. Бекиров ва шулар каби бир неча машҳур механизаторлар ҳам пахта теримини машиналаштириб, яхши муваффақиятларга эришганликлари эндиликда ҳаммамизга равшан.

Шуни айтиш керакки, худди ана шу колхоз ва совхозлардагидек бизнинг колхозда ҳам ҳосилнинг анчагина қисмини машинада териш имконияти бор. Бироқ биз бу муҳим ишга шу пайтгача нотўғри муносабатда бўлиб келдик.

Колхозимизда ҳар йили мўл ҳосил етиштирилади, аммо вақтида қўл билан териб ололмаймиз, пахта терими узоққа чўзилади. Бунинг натижасида ҳосил қисман нобуд бўлади. Бунинг устига ҳаддан ташқари кўп меҳнат сарф қилинади.

Ўтган йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконияти бор эди. Кўпроқ майдонга квадрат-уялаб чигит экиб, қатор ораларини машиналар билан ишласак, ҳосил эрта пишар эди. Тўғрисини айтиш керак, бизда механизацияга менсимай қаралди, оқибатда пахта кеч етилди ва терим чўзилиб кетди. Охири нима бўлди денг, колхозимизга пахта теришга келган ҳашарчиларга 480 минг сўм пул тўлашга тўғри келди. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ярим пахта майдонига эга бўлган ва ҳозир бизнинг колхозга қўшилган Сталин номли колхозда эса ёрдамчиларга 410 минг сўм пул тўланди. Шундай қилиб, пахта теримини машиналаштиришга эътибор бермаганлигимиз туфайли колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсим қилиниши лозим бўлган 890 минг сўм пул четга кетди. Бу, ишимиздаги энг катта камчиликлардан эканлиги тўғри кўрсатилди ва ҳаққоний танқид қилинди. Мана ҳозир ана шу тадбирларни амалга оширмаганлигимиз учун аттанг деб қолдик.

Пахта теримини машиналаштириш пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун курашда ҳозирги шароитда энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Биз бу вазифани муваффақиятли, бажариш мақсадида колхозчилар билан маслаҳатлашдик. Бу йил 480 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экамиз. Шунингдек, 720 гектар ерга одий усулда чигит экиб, кейинчалик машина билан ягана қилиб, квадрат ҳосил қилишни планлаштирдик. Механизаторларимиз ана шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Етиштириладиган ҳосилнинг 32 процентини, яъни 2 минг тонна пахтани машинада теришга қарор қилдик. Бу муҳим ишга ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўраётирмиз. Чигит пахтани машинада терио олишга мослаштириб экилмоқда. Биз пахтаси машинада терио олиниадиган далаларни ажратиб, белгилар қўйиб чиқдик, масъул кишилар тайинлаб қўйилди.

Колхозимизнинг ўртоқ Тўйчи Тошматов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил гектаридан 38 центнердан ҳосил олиш учун курашяпти. Бу бригадада 95 гектар ерга чигит экилади. Шундан 56 гектар ердаги пахта машина ёрдамида териб олинади. Шунингдек ўртоқ Аҳмад Ёқубжонов бригадаси аъзолари ҳам 292 тонна пахтани машина билан теришга аҳд қилдилар. Ўртоқ Карим Аъзамов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида 60 гектар ерга 60х45 схемасида квадрат-уялаб чигит экилди. Бригада аъзолари чигитни барвақт ва бир текис ундириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Эгамназаров, шунингдек Қодирова ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам янги усулда чигит экилди.

Ҳар бир ишни кадрлар ҳал қилганидек пахта теримини машиналаштиришни ҳам кадрлар ҳал қилади. Колхоз правленнеси, бошланғич партия ташкилоти машинада пахта теришга беками-кўст тайёргарлик кўриб, бу муҳим давлат ишини муваффақиятли ўтказиш учун баъзи бир тадбирларни амалга оширмоқда: илгари машинада ишлаб келган тажрибали универсалчилардан механик-ҳайдовчилар тайёрлашга киришилди. Колхозчи ёшлардан 28 киши шу ерда очилган курсда ўқиб, тракторчилик касбини эгаллади. Ҳозир улар РТСда ишлаб, тажриба орттирмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамда область партия комитети VII пленумининг пахта теримини машиналаштириш тўғрисидаги тадбирлари механизаторлар ўртасида кенг муҳокама қилинди. Биз, механизаторларга колхозда мўл ҳосил етиштириб, унинг асосий қисмини машинада териб топширишга ваъда берганлигимизни айтган эдик, улар пахта теримини машиналаштиришга тайёр эканликларини ва барча агрегатларни мавсумга пухта созлаб қўйиш учун ҳамма тадбирларни амалга оширишларини якдиллик билан баён қилдилар. И. Спеваков, И. Сарикулов, М. Ғоибов, Х. Исломов сингари ўртоқлар ўз машиналари билан мавсум давомида камида 60 тоннадан пахта териб бериш юзасидан мажбурият олдилар.

Биз пахта териш техникасига баҳо бермаслик ҳолларига эндиликда қатъий чек қўямиз. Бу йил пахта териш машиналаридан фойдаланиш соҳасида жиддий бурилиш бўлади.

Колхозимиз аъзолари пахтачилик ишларини комплекс механизациялаштириб, ҳар бир центнер пахта етиштиришга ўтган йилдаги 5,4 меҳнат куни ёки 240 сўм ўрнига, бу йил 3,5 меҳнат куни сарфлайдилар ёки ҳар бир центнер пахтанинг таннархини 180 сўмга камайтириб, янги муваффақиятларга эришадилар.

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ранси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«КОММУНИЗМ» ВА КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗЛАР, 1-«ДАЛВАРЗИН» СОВХОЗИ ЧИГИТ ЭКИШНИ ТАМОМЛАДИ

Улуғ етти йилликнинг биринчи йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш, республикамиз бўйича 3 миллион 50 минг тонна пахта етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари чигит экиш планини тўла бажарганликлари ҳақида бирин-кетин рапорт бермоқдалар.

Кеча редакциямизга хушхабар келди. Боёвут районидаги, Карл Маркс номли колхоз аъзолари 800 гектарга экин ерга, шу жумладан 500 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экишни тамомладилар. Дастлаб чигит ташланган карталарда яшил квадратлар пайдо бўла бошлади. Ғўзанинг биринчи парвариши бошлаб юборилди. Шу райондаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсунбой Латипов раислик қилаётган «Коммунизм» колхозида ҳам 2300 гектар ерга чигит экилиб, план тўла бажарилди.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчи ва механизаторлари ҳам ажойиб ютуқларга эришдилар. Совхозда 4300 гектар ернинг ҳаммасига чигит экиб бўлинди. 3350 ўрнига 3630 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиб, бу соҳадаги топшириқ 108,3 процент бажарилди.

Шу кунларда ана шу илғор колхозлар ва совхозда ғўза парваришини авж олдириш учун қизғин кураш кетмоқда.

1 Май шарафига

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон ССР саноатининг 1959 йил I квартал давлат планини бажариш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон ССР Статистика бошқармасининг ахбороти

КПСС XXI съезди қарорларидан илҳомланган республика саноати ходимлари 1959 йил I квартал планини муваффақият билан бажардилар.

Республика саноати 1959 йил I кварталда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 106 процент бажарди. 1958 йил I кварталидагига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7 процент ўсди.

Ҳамма областлар ва Тошкент шаҳар саноат корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини бажардилар; Қорақалпоғистон АССР саноати планни бажаролмади.

Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли саноат корхоналари 1959 йил I кварталда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 107 процент, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига қарашли саноат корхоналари — 103 процент, республика министрликлари ва бошқармаларига қарашли корхоналар — 105 процент, иттифоққа бўйсунувчи саноат корхоналари — 102 процент бажардилар

Барча Халқ хўжалиги кенгашлари 1959 йил I квартал планини тўла ва орттириб адо этдилар.

Саноат маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1959 йил I квартал плани қуйидагича бажарилди:

	1959 йил I кварталда ишлаб чиқарилди	1959 йил I кварталда 1958 йил I кварталдагига нисбатан процент ҳисобида
Нефть — минг тонна	334	107
Кўмир — минг тонна	940	110
Пўлат — минг тонна	69,3	111
Экскаваторлар — дона	145	121
Кўтарма кранлар — дона	196	5,6 марта
Дизеллар — от кучи ҳисобида	13.000	100
Чигит экадиган трактор сеялкалари — дона	1.941	82
Трактор культиваторлари — дона	2.501	96
Тракторлар		167
Йигирув машиналари — дона	351	3,9 марта
Кимё асбоб-ускуналари — миллион сўм	19,7	111
Компрессорлар — дона	128	129
Бронли кабеллар — километр	1,104	100,2
Қурилишга ишлатиладиган гишт — миллион дона	193,5	104
Шифер — миллион шартли плита	27,3	112
Йиғма темир-бетон конструкциялари — минг кубометр	53,2	147
Пахта толаси — минг тонна	265,1	100,3
Ип-газлама — миллион метр	56,0	104
Ипак газлама — минг метр	5.833	109
Чарм пойафзал — минг жуфт	2.530	115
Ўсимлик мойи — минг тонна	64,8	113

Оғир саноат, шу жумладан, нефть чиқариш, пўлат, қора металл прокати, қишлоқ хўжалик машиналари, сим, бронли кабель, цемент, минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича 1959 йил I квартал плани тўла ва ошириб бажарилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, шу жумладан, газлама, трикотаж, кўн товар, чарм пойафзал, ўсимлик ва мол ёғи, гўшт ва колбаса маҳсулотлари, консерва, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва балиқ овлаш I квартал плани ошириб бажарилди.

1958 йил I кварталдагига қараганда 1959 йил I кварталда: нефть — 22 минг тонна, кўмир — 88 минг тонна, минерал ўғит — 29,8 минг тонна, пўлат — 6,9 минг тонна, йигирув машиналари—261 дона, шифер — 2,8 миллион шартли плита, ип-газлама — 2,4 миллион метр, ўсимлик мойи — 7,2 минг тонна кўп ишлаб чиқарилди.

Трактор сеялкалари ва культиваторларини 1959 йил I кварталида 1958 йил I кварталдагидан бироз кам ишлаб чиқарилганлигининг сабаби шуки, бу машиналарнинг қишлоқ хўжалигида борлари ҳисобга олиниб, давлат планида кўзда тутилган эди.

Саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш плани 1959 йил I кварталда орттириб бажарилди. Саноатда меҳнат унумдорлиги 1958 йил I кварталдагига қараганда беш процент ўсди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

Ленин кунлари олдидан

Эртага жаҳон пролетариатининг улуғ доҳиси В. И. Ленин туғилган кунга 89 йил тўлади. В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети факультетларида ҳам бу кунга тайёргарлик ишлари қизғин тус олди. Филология факультетидаги «Совет журналисти», «Совет филологи» газеталарининг махсус сонлари В. И. Ленинга бағишлаб чиқарилди. Газеталарнинг бу сонларида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига оид материаллар, студентларнинг доҳига бағишлаб ёзган шеърлари бор.

Доцент Т. Собиров «Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти», студентлардан Э. Воҳидов «Ленин ва революция», О. Ғуломова «Ленин эмиграцияда», Ш. Холмирзаев «Ленин ва адабиёт» деган темаларда доклад тайёрламоқдалар.

Ш. Шералиев.

* * *

Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи сиёсий маориф кабинетида доҳининг ёрқин ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи фото-монтаж ташкил қилинди. Ундаги экспонатлар орасида «В. И. Ленин Совет ҳокимиятини эълон қилмоқда», «Ульяновлар оиласи», «Ленин шанбаликда», «Ленин иш кабинетида» каби ва бошқа фотосуратлар диққатни жалб қилади. Сиёсий маориф кабинети ходимлари завод цехларида «В. И. Ленин Совет давлати ва Коммунистик партиянинг ташкилотчиси», «Ленин ёшлар ҳақида», «Ленин Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақида» каби темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Т. Сихарулидзе.

* * *

Қорасув районидаги 4-мактаб коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 89 йиллигини нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрди. Ўқувчилар шу кунга атаб деворий газета ва фото-монтаж ҳамда «В. И. Ленин» деган альбом тайёрладилар. Мактабда 22 апрель куни «Ленин биз билан» темасида конференция ўтказилади. Шу куни 50 ўқувчи пионерлар safига қабул қилинади.

И. Рустамов.

* * *

Янгийўл районидаги 7-ўрта мактабда В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир. Мактаб комсомол ва пионер ташкилотининг органи «Ленинчи» деворий газетасининг навбатдаги сони ва бир неча фото-монтаж ана шу кунга бағишлаб чиқарилди. Кутубхонада эса Ленин асарларидан иборат китоб виставкаси ташкил қилинди.

Т. Комилов,
С. Рустамов.

* * *

Оржоникидзе районида В. И. Ленин туғилган куннинг 89 йиллигини нишонлашга қизғин тайёрлик кўрилмоқда. Район маданият уйи ва район партия комитети кутубхонасида улуғ доҳининг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи фото-монтаж, фото-газета ва китоб виставкалари ташкил қилинди. Кутубхона ходимлари шу кунларда китобхонлар учун Ленининг ёшлиги ва революцион фаолияти ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Шунингдек Қибрай қишлоқ Совети кутубхонаси, 1-богдорчилик совхози, Навоий номли, М. Горький номли, Пушкин номли мактаблар ҳам бу шонли кунга намунали тайёрландилар. Ана шу жойларда доҳи асарларидан иборат китоб виставкалари ташкил қилиниб, деворий газеталарнинг махсус сонлари чиқарилди ҳамда В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти ҳақида лекция, суҳбатлар ўтказилмоқда.

А. Латипов.

Совет Иттифоқида



Ростов области. Областнинг колхоз ва совхозларида дон экинлари экиш қизғин давом этмоқда. Азов районидаги «Завети Ильича» колхозининг аъзолари 6224 гектар ерга бошоқли дон экишни қисқа муддатда тамомлаш мажбуриятини олдилар. Суратда: колхоз даласида баҳори буғдой экиш пайти.

В. Турбин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

УКРАИНА САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

КИЕВ. Украина ССР статистика бошқармаси республика саноати томонидан 1959 йил биринчи квартал давлат планининг бажарилиш якунларини эълон қилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 3 ойлик топшириғи 105 процент қилиб бажарилган. Барча халқ хўжалик кенгашлари, барча министрлик ва идоралар белгиланган топшириқни бажарганлар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан 12 процент ўсган.

Чўян, пўлат, прокат, пўлат трубалар ишлаб чиқариш, темир рудалар, кўмир, нефть қазиб чиқариш, газ, алюминий, қўрғошин, минерал ўғитлар, кальцийлаштирилган ва каустик содалар, синтетик бўёқлар, синтетик мўм ва пластик массалар, сунъий ва синтетик тола, кўмир комбайнлари, пармалайдиган машиналар, темирчилик-пресс машиналари, кимё ускуналари, газламалар, кўн пойафзал, трикотаж буюмлар, радиоприёмник ва телевизорлар, мебеллар, шакар ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилган.

Биринчи кварталда Украина аҳолисига ўтган йилнинг ана шу давридагига нисбатан 14,8 минг тонна кўп гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 4,5 минг тонна кўп мол ёғи, 184 минг тонна кўп сут ва сут маҳсулотлари сотилди.

ГРУЗИЯ САНОАТИНИНГ ЯНАДА ЮКСАЛИШИ

ТБИЛИСИ. Грузия ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республиканинг социалистик индустрия ходимлари шу йил биринчи квартал планини муваффақиятли бажарганлар.

Республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 процент ўсди. Абхазия АССР ва Ажаристон АССР саноат корхоналари квартал планини муваффақиятли бажардилар.

Саноатнинг айрим тармоқлари бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1958 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан: қора ва рангли металлургия бўйича 7 процент, машинасозлик бўйича 28 процент, кимё саноати бўйича 9 процент кўпайди.

Меҳнат унумдорлиги 1958 йилнинг биринчи кварталига нисбатан 7 процент ошди.

ПАХТА МАЙДОНЛАРИНИНГ ЯРМИСИГА ЧИГИТ ЭКИЛДИ

БОКУ. Озарбайжон пахтакорлари ўз мажбуриятларини бажариш — чигит экишни 25 апрелгача тамомлаш учун зўр бериб курашмоқдалар. Ҳозиргача пахта майдонининг ярмисига — 100 минг гектар ерга чигит экилди.

Бугун республиканинг ғарбишимолий зонасида жойлашган Қозоқ райони пахтакорлари чигит экиш ишларининг тугалланганлиги ҳақида рапорт бердилар. Шу зонадаги бошқа районларнинг колхозлари ҳам чигит экишни тугаллай деб қолдилар.

Республиканинг кўпгина колхозлари экишни етти-саккиз кун ичида ўтказиб, уни ўтган йилдагидан 20-25 кун илгари тугалладилар. Колхозларнинг ўз техникасига эга бўлиб, ундан анча унумли фойдаланаётганликлари бунга ёрдам берди.

ОММАБОП КИТОБЛАР СЕРИЯСИ

ЛЕНИНГРАД. А. Смолянинг «Жонли традициялар» деган китоби нашрдан чиқди. Бу китоб «Фабрика ва заводларнинг тарихидан» темасида Ленинград нашриёти томонидан чиқарилаётган китоблардан биридир. Китобда Охта кимё комбинатининг ўтмиши ва ҳозирги аҳволи тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу комбинатнинг коллективи янги ажойиб пластик материаллар яратиш устида иш олиб бормоқда. Комбинат коллективи томонидан целлулоид, бутафоль, триацитат, полиэтилен, эпоксид, мум сингари эндиликда ғоят машҳур бўлган материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида олиб борилган ишларнинг тарихига махсус боблар бағишланган. Китобнинг охирида комбинатнинг энг яхши кишилари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида, Охта комбинати коллективининг янги етти йиллиқдаги вазифалари тўғрисида ҳикоя қилинган.

М. Лескийнинг «Авлодлар шавкати» номли китоби Эрнст Тельман номидаги майин ва техника мовутлари комбинатига бағишлангандир. Бу китоб ҳам шу серияда чиқди. Бунда собиқ Торнтон фабрикасининг ўтмиши ҳикоя қилинади, ажойиб кишиларнинг ҳозирги кунлардаги ишлари кўрсатилади.

ТРОИЦК ГРЭСИ ҚУРИЛИШИДА

ТРОИЦК. (Челябинск области). Уралда энг йирик ҳисобланган Троицк ГРЭСи (унинг лойиҳада белгиланган қуввати бир ярим миллион киловаттдир) қурувчилари станция бош корпусининг металл конструкциясини монтаж қилишни тамомладилар. Бинони йирик плиталар билан сирлашга киришилди.

Гарчи станциянинг биноси қурилиб бўлмаган бўлса ҳам, биринчи блок агрегатларини монтаж қилиш қизиб кетди. 1-қозонининг ўн қаватли уй баландлигидаги пўлат конструкциялари ўрнатилди. Қурилаётган машина залида ҳозирданоқ иккита юз тонналик кўприк крани ишламоқда. Бу ерда 100 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи турбинани ўрнатишга тайёргарлик кўрилмоқда. Пойдеворнинг юқори қисмида қаркас йиғила бошланди. Юз минг киловаттли агрегатлардан ташқари станцияни 300 минг киловатт қувватга эга бўлган турбогенераторлар билан ускуналаш мўлжалланмоқда.

Жуда йирик электростанция қурувчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи май Чақириқларига жавобан биринчи турбинани ишга тушириш муддатини илгари қабул қилинган мурожаатда ёзилганидек ўн кун эмас, балки қарийб икки ой олдин, яъни уни Улуғ Октябрнинг 42 йиллиги олдидан ишга туширишга қарор бердилар.

Мусобақадошлар

Участкамизнинг меҳнатсевар коллективи Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи теплевоз цехи қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишламоқда. Бу цех қурилиши ўтган йил баҳорида бошланган бўлиб, план бўйича 1960 йилда тугалланиши лозим эди. КПСС XXI съезди тарихий қарорларидан руҳланган коллективимиз ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олиб, теплевоз цехи қурилишини шу йил охиригача тугаллаш ва фойдаланишга топширишга аҳд қилди.

Шу кунларда олган мажбуриятларимизни шараф билан бажариш учун бирқанча тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Ишимизнинг олга силжишида бригадаларо бошланган социалистик мусобақа катта фойда келтирмоқда. В. Якименко ва А. Шархўжаев ўртоқлар бошлиқ бетончилар бригадалари аъзолари ўзаро социалистик мусобақалашиб яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Шуниси қувончлиқи, бу мусобақадош бригада аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, илғор иш методларини ўртоқлашиб бугун кечагидан кўпроқ бетон қуйишга ҳаракат қилаётирлар.

Ёш бетончилардан Н. Содиқов, Е. Шапошников, Н. Кузнецов, моторчилардан Л. Кучренко, Н. Гвоздева ва бошқалар айниқса самарали меҳнат қилмоқдалар.

А. Шархўжаев бригадаси ҳам улардан орқада қолётганл йўқ. Бу бригада аъзолари сменада 30 кубометр ўрнига 50-55 кубометрга етказиб бетон қуймоқдалар.

Ҳали яқиндагина А. Шархўжаев бригадаси Виктор бригадасидан орқада қолаётган эди. Орадан кўп ўтмай, бу бригада Якименко бригадасига етиб олди, ҳатто ундан ўзиб ҳам кетди. Бу ўзаро ёрдам, чинакам дўстлик натижасидир.

Ҳозир мусобақадош ҳар иккала бригада аъзолари коммунистчасига ишлаш ва ўқиш принципларига қатъий риоя қилмоқда. Улар биринчи ярим йиллик планини муддатидан олдин бажариш, баҳор байрами — 1 Майни муносиб кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

М. ЗИМИН.

«Средазтрансстрой» 5-қурилиш участкасининг бетончиси.

«Ташавтомаш» заводининг коллективи 1 Май шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб ишламоқда. Суратда: механика цехининг социалистик мусобақага қўшилиб, кундалик топшириғини мунтазам равишда икки ҳисса бажараётган илғор токари ўртоқ А. Юсуфбеков иш устида. В. Салов фотоси.

Май ойи ҳисобига

Бўстонлиқ районидаги ёг заводининг коллективи етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани қизитиб юборди. Корхонада барча ички имкониятлардан кенг фойдаланиш туфайли квартал плани 131 процент қилиб бажарилди ва планга қўшимча равишда 103 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхонанинг бундай юқори кўрсаткичга эришишида Нефельд, Даманин, Эшметов сингари кундалик топшириқларини 1,5—2 баравар бажараётган ишчилар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Бу иноқ ва меҳнатсевар коллектив 1 Майга муносиб совға тайёрлаб қўйди. Улар ҳозир май ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Ж. РИСМЕТОВ.

РЕПОРТАЖ

Бир сменада

Янгийўл ғишт заводлари бошқармасининг кенг ҳовлиси. Бир томонда қуритилган хом ғиштларни вагонеткаларда хумдонга ташиб киритилаётган бўлса, иккинчи томонда печдан пишган ғишт ташиб чиқилмоқда, бошқа бир томонда эса ишчилар тайёр ғиштни махсус вагонларга юкламоқда. Хуллас, заводнинг қайси томонига қарманг, фидокорона меҳнат дарё каби тўлқинланарди. Бу қайноқ ҳаёт қаҳрамонлари ишини кузатар экансиз, уларнинг қалбида етти йиллиқнинг дастлабки йили программасини муддатидан илгари бажариш ишига муносиб ҳисса қўшиш истаги жўш ураётганини кўрасиз.

Мана, моҳир матовозчи Гриша Кичаев карьердан келтирилган тупроқни усталик билан хомашё базасига тўкди. Бу ерда унга 5 — 6 процент майдаланган кўмир аралаштирилиб, кераксиз тош ва ғишт парчалари ажратилади. Сўнг хомашё кейинги иш процессига ўтказилади. Узундан-узоқ лента лар оқиб келаётган тупроқ қоришма тайёрлайдиган машинага келиб қуйилмоқда. Бу ерда навбатчилик қилаётган комсомол аъзоси Неля Гайнудинова қоришмани синчиклаб кузатиб турибди. Агар тупроқ қуруқ бўлса, ў дарҳол сув қўшади, суюқлашиб кетса камайтиради.

Ғишт қолипловчи пресс ҳаракати киши диққатини ўзига жалб этади. Бу ерда қоришмалар тўрт бурчак ҳолига келтирилади. Ғишт теруvчилардан Рислинг, Эсатова, Кивгазова ва Тарова ўртоқларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар, ҳар бир минутни ғанимат билиб, вагончаларни формовка билан тўлдирмоқдалар.

— Коллективимиз, — дейди смена бошлиғи ўртоқ Бекташев, — бу ташаббускорлар билан ҳақли равишда фахрланади. Чунки, уларнинг ҳар бири сменада 4 минг ўрнига вагончаларга 6,5 ва ҳатто 7 мингга етказиб ғишт терадилар.

Смена охирланмоқда. Биз бугунги иш якуни билан қизиқдик. Сменада 43 минг 500 ўрнига 54 минг дона хом ғишт тайёрланибди.

— Ишимиз чакки бўлмади, — дейди смена бошлиғи ўртоқ Бекташев, — чунки бугун кечагига қараганда 4 мингдан кўпроқ ғишт қолипдан чиқарилибди. Бу, коллективнинг ўтган кундагига қараганда кеча, бугун эса кечагига қараганда яхшироқ ишлаганини кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам бу ерда смена шуҳратини кун сайин ошириб бориш ҳар бир ишчининг шарафли бурчига айланган. Коммунист ўртоқ Ягодников бошлиқ туннелдан ғишт ташиб чиқарувчилар бригадасининг аъзолари печга ғиштни ўз вақтида етказиб бериб, меҳнат унумини оширишда айниқса катта ҳисса қўшмоқдалар. Шунингдек, сменада печга ғишт тахловчи Рикерд, Каримов ва ғишт узатувчи Грезнова, Борисова каби ўртоқлар ҳам топшириқни 180 — 200 процентдан адо этмоқдалар. Печдан ғишт ташиб чиқарувчи Кречетов ва Шамсуддинов ўртоқларнинг ҳар бири шу кунгача 400 минг донадан ғишт ташиб, ҳозир 1959 йилнинг олтинчи ойи — июнь ойи ҳисобига ишламоқдалар.

— Заводимизнинг барча ишчилари, — дейди завод директори ўртоқ Юрченко, — етти йилликнинг биринчи йили программасини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, биринчи кварталда пландан ташқари 200 минг дона пишиқ ғишт ишлаб беришга аҳд қилган эди. Мажбурият муддатидан илгари бажарилди. Биз ички резерв ва имкониятларимизни қайта кўриб чиқиб, иккинчи кварталда биринчи кварталдагига қараганда анча кўп ғишт ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Завод ишчилари шу кунларда ана шу вазифани шараф билан бажариш учун астойдил курашмоқда.

А. ШАЙХОВ.

ЗАВОД ВА СОВНАРХОЗ

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс автоматлаштириш ва механизациялаш эҳтиёжлари турли типдаги кранлар ишлаб чиқаришни тағин ҳам кўпайтиришни талаб этмоқда. Ҳозирги пайтда халқ хўжалигининг электр-кўприк кранларига бўлган эҳтиёжи фақат 45 процент қондирилаяпти, холос.

Тошкентдаги «Подъёмник» заводи 10 тоннагача юк кўтарадиган кранлар, 5 тоннали грейфер ва магнит грейфер кранлари ишлаб чиқаруvчи Иттифоқимиздаги ягона ихтисослаштирилган корхонадир. Лекин корхонада кўтарма-транспорт механизмлари ишлаб чиқаришни мураккаблаштириб юбораётган бир қанча масалалар бор. Гап шундаки, ҳар бир краннинг бешдан бир қисмигина, яъни механизмнинг 20 процентигина «Подъёмник» заводида тайёрланади, кранларнинг қолган қисмлари эса бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилади. Лекин шундай бўлишига қарамай, «Подъёмник» заводи бу маҳсулотларни ишлаб чиқаруvчи асосий корхона ҳисобланади, кранларда унинг эмблемаси босилган.

Завод бундан икки йил илгаря республикамиздаги энг илғор корхоналардан бири ҳисобланарди. Аммо кейинги пайтларда корхонанинг иши оқсай бошлади. Масалан, ўтган йили кранлар ишлаб чиқариш топшириғи бор-йўғи 71,9 процент бажарилди, холос. Хўш, илғор корхоналар қаторидан жой олиб келган завод нега кейинги пайтларда қолоқлар safига тушиб қолди? Аввало шуни айтиш керакки, Тошкент Совнархози ва республика Госплани корхонанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмаётирлар. 1958 йилда электр ускуналари фонди жуда кам белгиланди. Шу сабабли 121 та махсус кранга электр ускуналари етишмай қолди. Зарур узеллар ва ускуналар етишмаганлиги сабабли деярли тайёр бўлган механизмларни заказчикларга жўнатиш имконияти бўлмаётир. Корхонанинг ҳовлиси ва цехлар ўртасидаги территориялар тайёр механизмлар билан тўлиб кетган. Электр ускуналари етишмаганлиги сабабли 125 та кран завод территориясини банд қилиб турибди. Ҳозирда тўла ишловдан чиқмаган маҳсулотлар нормативда белгиланганига қараганда тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, улар январь ойида 1 миллион 524 минг сўмлик бўлса, март ойига келиб 2 миллион 568 минг сўмни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси корхонанинг молиявий аҳволини оғирлаштириб қўйди.

Бу йил корхонага 650 та кран учун 650 та кўприк керак. Шундан 410 тасини Магнитогорск заводи етказиб беради, қолган 240 тасини? Бунгача уларни Москва область Совнархозига қарашли «Подёмтранс» заводи етказиб берар эди. Бироқ яқинда маълум бўлдики, «Подъёмтранс» заводи бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилганлиги сабабли у, «Подъёмник» заводига кранларнинг кўприкларини етказиб бера олмайди.

Юз берган аҳволни тузатиш мақсадида «Подъёмник» заводининг бош инженери ўртоқ Черепанов Украинадаги Сталинск машинасозлик заводига борди. Лекин бундан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади. Шундан сўнг масала арбитражга ҳавола қилинди. Арбитраж Украина Қурилиш материаллари министрлиги зиммасига «Подъёмник» заводининг заказини Сталинск машинасозлик заводида тайёрлашга қабул қилиш мажбуриятини юклаб қарор чиқарди. Аммо Сталинск заводининг маъмурияти маълум муддат ўтгач, арбитраж қарорини бекор қилишни сўраб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги бош арбитрга мурожаат этди. Ҳозиргача бу масалада узил-кесил бир фикрга келингани йўқ. Ўзбекистон ССР Госплани ва Тошкент Совнархози ҳам бу масалага эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Натижада завод коллективи ўз ёғига-ўзи қовурилмоқда.

Кооперация асосида маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг ёмон ишлаётганлиги «Подъёмник» заводи ишига жиддий путур етказмоқда. Ўтган йили Ригадаги ремонт-экскаватор заводи «Подъёмник» заводига 222 кран учун токоприёмниклар бермади. Корхонада тайёрланган ва жойларга юборилиб, у ерларда монтаж қилинган 222 та кран шунинг натижасида ишламаётир. Ваҳоланки, бу кранларнинг ҳар бири давлатга 80-100 минг сўмдан тушган. Кранни олиб, уни ишлата олмаётган ташкилотлардан «Подъёмник» заводи адресига норозилик билдирилиб ёзилган жуда кўп хатлар келмоқда. Тошкент заводи ўзи юборган кранларининг ишламай, бекор турганлиги сабабли, ҳар бир заказчи учун 12-15 минг сўм миқдорида жарима тўламоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар бу йил ҳам давом этмоқда. Ўзбекистон ССР Госплани фақат 2 мартдагина СССР Госпланидан Рига заводидан олинадиган токоприёмниклар учун наряд-заказни олди. Лекин бу нарядда ҳам заводнинг эҳтиёжи тўла қондирилмаган.

Шу кунларда Москвадаги «Динамо» заводидан Тошкент Совнархози раисининг ўринбосари ўртоқ Мартиновнинг талаби билан 2 миллион сўмлик электр ускуналари келмоқда. Яқин кунларда завод яна бир миллион сўмлик ана шундай ускуналар олади. Заводнинг складлари, ҳовлилари 1600 та ашиккa жойланган 3600 тонна электр асбоб-ускуналари билан тўлиб кетган. Тошкентда бу яшиклар очилиб, ундаги деталлардан ҳар бир кўтарма механизм учун комплект тайёрлайдилар. Бу комплектлар яна яшикларга жойланиб, Воронеж, Ленинград, Сталино, Горький, Минск, Куйбишев ва мамлакатнинг марказидаги бошқа шаҳарларга юборилади. Олинган ускуналарни комплектлаб, яна қайтадан жўнатиш учун қўшимча равишда 120 кубометр ёғоч сарф бўлади. Бундан ташқари, деталларни сортларга ажратиш, уларни яшикларга жойлаштириш ва жўнатиш учун жуда кўп миқдорда ортмсиз харажатлар бўлади. Шуниси қизиқки, келтирилган ускуналарнинг фақат 3 процентигина Ўрта Осиё республикалари учун қолдирилади, қолган 97 проценти эса яна мамлакатнинг марказий областларига ва Сибирга жўнатилади. Бу ускуналарни ташиш учун давлатнинг 600 минг сўмга яқин маблағи сарф бўлади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу ярамас практика давлатга ҳам, заводга ҳам жуда қимматга тушаётир.

Мамлакатнинг бир қанча заводларида ўтган йили 6 та кўтарма кран монтаж қилинган эди. Лекин мотор бўлмаганлиги учун улар ишламаётир. Бу ҳақда СССР Госплани билан бир неча ойлардан бери ёзишмалар олиб борилаётган бўлишига қарамай, 1959 йилда ҳам ана шу моторларни олиш планлаштирилмаган. Тошкент Совнархози ва республика Госплани эса бу масалаларга нима учундир бефарқ қараб келмоқдалар. Ўтган йили завод механизмларни тўла комплект асосда етказиб бермаганлиги сабабли, заказчиларга 537 минг сўм жарима тўлаган эди. Бу йил эса тахминий ҳисобларга қараганда, корхона 1,5 миллион сўмлик жарима тўлайди.

Илгарилари илғор корхоналар safидан ўрин олиб келган «Подъёмник» заводининг шуҳратини яна тиклаш ва у ерда юз бераётган камчиликларни тугатиш учун Тошкент Совнархози ва республика Госплани корхона коллективига яқиндан ёрдам беришлари ва пишиб етилган проблемаларни қисқа муддат ичида ҳал қилишлари керак.

С. НУРМУҲАМЕДОВ.

ДЕПУТАТЛАР МИНБАРИ

Шаҳар совети ва уй-жой масаласи

Уй-жой масаласи меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари фаолиятидаги муҳим масалалардан биридир.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети КПСС Марказий Комитетининг уй-жой танқислигини яқин 10-15 йил мобайнида тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини бажариш учун шаҳарда уй-жой қурилишини барча воситалар билан кенг миқёсда ривожлантирмоғи лозим. Шаҳарда яшовчи кишиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган уй-жой ҳажми етти йилликнинг охирига бориб, қарийб бир ярим баравардан зиёд ортади. Етти йилликнинг охирида шаҳарда уй-жой масаласини тўла ҳал қилинмаса ҳам, лекин меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган талаби маълум даражада қондириладi ва турмуш шароити янада яхшиланади. Шунинг учун ҳам шаҳар Совети бу масала билан доимий равишда шуғулланмоқда, уй-жой фондини имконият борича ошириш учун барча тадбирларни кўрмоқда.

Сайловчилар ўз наказларида уй-жой шароитини яхшилаш масалалари билан депутатларни кўпроқ шуғулланишга даъват этган эдилар. 1958 йилнинг охирида берилган 521 наказ ва таклифдан шаҳар Совети 400 дан кўпроғини бажарди. Ўтган йили шаҳарда 191 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кейинги йилларда шаҳарда Чилонзор, Оқтепа, Жарариқ ва бошқа катта қурилиш массивлари вужудга келди.

Лекин уй-жой қурилиши соҳасида қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Уй-жой қурилиши плани бажарилмади. Фақат ижроия комитет коммунал хўжалигининг ўзида 6,5 миллион сўм ўзлаштирилмай қолди. Қурилиш ташкилотлари объектларда меҳнатни тўғри ташкил эта олмадилар ва мавжуд механизмлардан, транспорт воситаларидан етарли даражада фойдаланмадилар. «Главташкентстрой» капитал қурилиш планини бажариш учун астойдил кураш олиб бормади.

Шаҳар ижроия комитети ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, қурилиш ташкилотларининг ишини яхшилаш мақсадида ўзининг кенгайтирилган кенгашини ўтказди. Бу кенгашда доимий қурилиш комиссияларининг аъзолари, депутатлар ва революция ветеранларининг актив иштирокида қурилиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорини амалга ошириш учун бирмунча тадбирлар белгиланди. Бу йил Қўйилиқда йилига 100 минг квадрат метр ҳажмда йигма уй ишлаб чиқарадиган комбинат қурила бошланди. Бундан ташқари қурилиш объектларида берилган маблағни тежаб-тергаб сарфлаш, механизм ва транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш, бинокорлик материалларининг талон-торож қилинишига йўл қўймаслик каби масалалар билан шаҳар ижроия комитети кўпроқ шуғулланади.

Шаҳар Совети депутатлар ва кўп сонли актив ёрдамида бу масалани ҳал қилишга тўсқинлик қилиб турган кўпгина фактларни аниқлади. Уй-жойларни тақсимлаш масаласини олайлик. Фақат шаҳар Советининг ўзига квартира сўраб 700 киши ариза берган.

Шаҳар Советининг доимий уй-жой комиссияси (раиси ўртоқ З. Туренко) ўзининг активлари билан 3 ой мобайнида бу аризаларни текшириш билан шуғулланди. Текшириш натижалари комиссия мажлисида муҳокама қилинди. Шулардан 250 кишининг ўз уйи борлиги, ёки коммунал хўжалик уйларида истиқомат қилаётганликлари эниқланди. Қисқа қилиб айтганда бу кишилар квартирага унча муҳтож эмаслар. Шундан кейин шаҳардаги барча район Советларига берилган аризалар ҳам текшириб чиқилди. Ҳар бир аризанинг тақдири ўз ўрнида ҳал қилинди.

Ҳозир шаҳар ижроия комитети квартираларни уй-жой комиссияси лозим топган кишиларга бермоқда. Текшириш натижасида жойларнинг айрим ҳолларда нотўғри тақсимланганлиги, айрим кишилар янги квартирага кўчиб кетатуриб, илгариги ўтирган уйларини катта пул бадалиги бошқаларга ўтказиб кетганлари аниқланди. Бундай кишиларнинг кўплари жиноий жавобгарликка тортилди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, янги квартира олган кишилар илгари ўтирган жойларига қариндош ёки бирор танишларини олиб келиб пропискадан ўтказиб қўядилар. Ҳатто айримлари турли йўллар билан иккала квартирани ҳам ўзларида қолдирадилар.

Шаҳарда доимо яшаб турган кишилар зарурият бўлган тақдирда қонуний равишда уй-жой талаб қила оладилар. Лекин айрим кишилар бу қонунни суиистеъмол қилмоқдалар. Шундай кишилар ортиқча жойларни ўзларида сақлаб қолиш учун шаҳарга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қариндош-уруғларини пропискадан ўтказишга ҳаракат қиладилар ёки сунъий равишда оила аъзоларини кўпайтириб кўрсатадилар. Масалан, ТашМИнинг профессори Берлинер ер участкаси олиб, уй қурди. У айрим баҳоналар билан бошқа шаҳарда ишлаб турган ўғли ва келинини чақирди. Берлинер коммунал хўжаликка қарашли эски квартирасига ўғлини жойлаш учун уни пропискадан ўтказишга ҳаракат қилди. Албатта, шаҳар Совети бунга йўл қўймаси ва йўл қўйиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки ўртоқ Берлинерга берилган ер участкаси ва қурилган уй унинг оиласи учун етарлидир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, Берлинер каби кўпгина ўртоқлар квартирага муҳтож бўлган бошқа оилаларни ҳам уй-жой билан таъминлаш кераклигини сира тушунгилари келмайди.

Шаҳарда доимий яшовчи кишиларни уй-жой билан таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал қилишда паспорт режимига қатъий риоя қилиш, пропискадан ўтказиш қоида ва тартибларини қаттиқ туриб амалга ошириш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Уй-жой тақсимотида рўй бераётган чалкашликлар ва жиддий нуқсонларни тугатиш мақсадида шаҳар совети республика ҳукуматининг рухсати билан ордер беришнинг янги тартибини шу йилнинг 1 январидан амалга оширди. Эндиликда илгаригидек ҳар қайси ташкилот ёки корхона маъмурияти ўз олдига ордер беравермайди. Ордер бериш марказлаштирилди. Ордерларни фақат шаҳар ва район ижроия комитетлари беради.

Мавжуд уй-жой фондидан тўғри фойдаланиш, ремонт-қурилиш ташкилотларининг ўз вазифаларига масъулият билан қарашлари ва уй-жойларни ўз вақтида сифатли ремонт қилишлари ҳам аҳолини квартира билан таъминлашда катта ёрдам беради. Шаҳар ижроия комитети депутатлар ва активларнинг яқиндан бераётган ёрдамлари туфайли уй-жойларни ремонт қилишда маблағ ва материаллардан ҳамда бошқа ресурслардан тўғри фойдаланиш, уларни тежаб-тергаб сарфлаши учун бутун чораларни кўрмоқда. Бу масалада гражданларнинг ўзлари ҳам шаҳар ва район ижроия комитетларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Шаҳар ижроия комитети аҳолини ҳаёт учун энг зарур бўлган уй-жой билан таъминлашни ўз фаолиятининг энг муҳим қисми деб ҳисоблайди.

А. РАФИҚОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати.

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг Сорахон Шодмонова бошлиқ бўлган бригадасининг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Ўртоқ Шодмонова хотин-қизлар ўртасида турли темаларда суҳбат ўтказиб туради ва газеталарнинг янги сонларидан қизиқ хабарларни уларга ўқиб беради. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ Шодмонова дам олиш вақтида хотин-қизлар ўртасида суҳбат ўтказмоқда.

В. Салов фотоси.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Қорасув районидаги марказий кутубхонада КПСС XXI съезди материалларини ўрганувчилар учун семинар ўтказилди. Семинар қатнашчилари СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик планига оид циклли лекциялар тингладилар.

Н. Тожибоев.

* * *

Янгийўл районидаги 14-мактаб ўқитувчилари колхозларда илмий-атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Улар ўқиган «Фан ва дин», «Дин ва унинг зарари» темаларидаги лекциялар қизиқиш билан тингланди.

С. Тўлаганова.

* * *

Олмалиқ шаҳридаги наслчилик совхозининг клубида меҳнаткашларнинг маданий дам олиши учун ҳамма шароит бор. Бу ерда турли темаларда лекция ва суҳбатлар тинглаш, газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиш, шахматшашка ва бошқа ўйинлар билан машғул бўлиш, кинофильмлар кўриш мумкин. Клубнинг кўчма киноустановкаси, совхознинг ҳамма бўлимларига бориб, бадиий фильмлар кўрсатмоқда.

Б. Умаров.

* * *

Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлимининг ташаббуси билан ўқитувчилар куни ўтказилди. Бунда район партия комитетининг секретари ўртоқ Хусанов «Совет ўқитувчисининг маънавий қиёфаси», район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Бердиалиев район мактабларини қайта қуриш плани ҳақида доклад қилдилар.

Э. Туркменов.

* * *

Тошкентдаги 119-мактаб ўқувчилари «Ҳамма нарсани билишни истайман» деган темада конференция ўтказдилар. Конференцияда «Бошқа планеталарда ҳаёт борми?», «Фан ютуқлари халқ хизматида», «Тушга ишониш мумкинми?» деган темалардаги докладлар тингланди.

Э. Шодмонов.

* * *

Тошкент Чет тиллар педагогика институтида якшанба кунлари студентларнинг дам олишларини мазмунли ўтказиш учун клуб ташкил қилинди. Дам олиш куни клубда турли тематик кечалар, бадиий ҳаваскорларнинг концертлари, доғдор кишилар билан учрашувлар бўлиб туради. Яқинда хизмат кўрсатган ўқитувчилар Таканаев, Усмонов ўртоқлар «Победа» теплоходида Европа бўйлаб қилган саёҳатлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ш. Каримов.

Мактаб ва меҳнат

(Газетхонлар хатларига обзор)

«Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва СССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида» СССР Олий Совети Президиуми томонидан қабул қилинган Қонунда Совет мактабининг асосий вазифаси ўқувчиларни турмушга, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, ўқишни меҳнат билан маҳкам боғлаб олиб боришдир, деб кўрсатилган. Ҳукуматимизнинг ана шу оқилона кўрсатмасидан илҳомланган маориф ходимлари мактабларда политехника таълимини яхшилашга катта эътибор бераётирлар.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларидаги мактабларда ўқувчиларни меҳнатга кўниктириш, уларга турли ҳунар ўргатиш ишлари қизиб кетди. Шу кунларда областдаги қайси қишлоқ мактабига борманг, у ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ташкил қилинганини ёки қилинаётганлигини кўрасиз, ўқувчилар бригадалари ҳозир баҳорги дала ишларини бошлаб юборишдилар. Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хатлар келиб туради.

Мирзачўллик газетхонлардан **С. Қурбонов, Ҳ. Халилов** ва **А. Алибеков** ўртоқлар райондаги 1, 13, 14-мактабларда ташкил қилинган ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг фаолияти ҳақида хабар ёзганлар.

— 14-мактаб ўқувчилари, — дейилади ўртоқ С. Қурбоновнинг хабарида, — 1958 йилда 20 гектар ерга чигит экиб, юқори ҳосил олдилар. Бу йил улар мактабни ўз оталигига олган Ленин номли колхоздан 60 гектар ер ажратиб олиб, чигитни 45х45 схемасида экишга киришдилар.

1, 13-мактабларда ҳам ана шу ташаббус қўлланилган.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси **К. Кенжаев** ўз хатида 7-мактаб ўқувчилари 30 гектар ерда 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлари ҳақида ёзади.

Чиноз районидаги қишлоқ хўжалиги техникуми студентлари бу йил 120 гектар ерда пахта, 12 гектар ерда маккажўхори етиштирадилар. Студентлар гектаридан 35 центнердан пахта, 450 центнердан маккажўхори етиштиришга аҳд қилганлар. Бу ҳақда мухбирлардан **Ж. Жалолов, К. Довурбоев, М. Пейсеновлар** хабар ёзиб, шу райондаги Крупская номли етти йиллик мактаб ўқувчилари ўтган йили 20 гектар ерда пахта етиштириб, гектаридан 35,5 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлганликлари, бу йил эса 30 гектар ерга чигит экканликларини маълум қиладилар.

Бундай хушхабарлар областимиз қишлоқларидаги жуда кўп мактаблардан келиб туради. Жумладан, Сирдарё районидаги 7, Оққўрғон районидаги 5, 17, Калинин районидаги 27, Қуйи Чирчиқ районидаги Пушкин номли, Бекобод районидаги 2, 18, 29, Верхне-волинск районидаги 1, 6, 10, 14, Юқори Чирчиқ районидаги 10, Оржоникидзе районидаги 16, 27, 28, 34-мактабларда ҳам ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ташкил қилинганлигини, бригада аъзолари чигит экишни бошлаб юборганликлари ҳақида газетхонларимиздан **М. Ойдинов, Ё. Ҳасанов, К. Кенжаев, А. Нуртоев, Т. Солиев, А. Сотволдиев, М. Аҳмедов, А. Ражабов, У. Қўчқоров, Т. Раҳимов, Б. Умаров, Э. Ҳолматов, Х. Бутунбоев, М. Ортиқов, А. Каршибоев, З. Тожиев, И. Ербеков, Ҳ. Ҳолмирзаев, А. Раимов, Н. Мажидов, К. Ғаниев, И. Ҳайдаров, З. Зокиров, Т. Урунов, Т. Исмоилов** ва **Р. Қобилов** ўртоқлар хабар ёзганлар.

Булардан ташқари ўқувчилар мактабларда турли ҳунарлар ўрганмоқдалар, дурадгорлик, слесарлик, бичиш-тикиш сингари касбларни эгалламоқдалар. Янгийўллик мухбир **К. Собиров** ўз хабарида: «Райондаги 2-мактабда ташкил қилинган дурадгорлик тўгарагининг актив иштирокчиларидан Т. Алиев, Н. Солиев, Ш. Соипов ва Н. Бозоров сингари 20 га яқин ўқувчи дурадгорлик ҳунарини дурўстгина ўзлаштириб олди» деб ёзади.

Ватанпарвар ёшларимиз мамлакатимизга кўплаб металл парчалари тўплаб беришда актив қатнашмоқдалар. Масалан, Тошкент районидаги 18-мактаб ўқувчиларининг ташаббуси билан 3 тонна металл йиғилганлиги тўғрисида газетхон **Е. Абдуллаев** хабар юборган.

Бу хабарларни ўқиганда областимиз мактабларида республикамиз Олий Совети сессияси томонидан мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақидаги Конунини амалга ошириш учун кўраш қизиб кетганлигини тўла ҳис қиламиз.

БАҲОРГИ ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Бизда пилла қурти боқувчиларга ҳақ тўлаш тартиби

Кишиларнинг моддий манфаатдорлиги қанча ортса, иш унуми ва сифати шунча яхшиланишини ўтган йили тажрибамизда синаб кўрдик. Шунинг учун ҳам пилла қурти боқишга киришиш олдидан бу ишга жалб қилинган колхозчиларга қай ҳилда ҳақ тўлаш ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Натижада пилла қурти боқувчиларга уруғ тақсимланган вақтдан то пилла ҳосили териб олингунга қадар 3 марта пул аванси беришга қарор қилинди. Биринчи аванс қурт уруғи тақсимлаб берилган кунларда, иккинчиси қурт 3-4 ёшга кирганда, учинчиси эса дасталар қўйилганда берилади.

Пилла териб олингандан кейин қурт боққан кишилар билан ҳисобкитоб қилинади. Ҳар килограмм ҳосилнинг аъло ва биринчи сорти учун 18, иккинчи сорти учун 14, учинчи сорти учун 12 сўмдан пул берилади. Шунингдек бир килограмм брак пиллага 4 сўм ва қорапўчоқ пиллага 2 сўмдан пул тўланади.

Ҳақнинг ана шу тартибда берилиши пиллачиларга олдиндан тушунтирилган эди. Шу сабабли улар қуртларни яхши боқиб тўйдиришга астойдил киришдилар. Иш натижаси яхши бўлди. 370 қути қурт уруғидан 205 центнер пилла етиштириб, планимизни ошириб бажардик.

Янгича ҳақ тўлаш тартиби туфайли ҳалол меҳнат қилиб кўп пилла етиштирган колхозчилар катта даромад олдилар. Масалан, ўртоқ Дурдихол Нурматова ҳар қути қурт уруғидан 171 килограммдан пилла етиштирди, бунинг учун унга 2287 сўм 80 тийин пул ва 680 килограмм галла берилди. Бир қути қурт уруғидан 100,6 килограмм пилла етиштирган Сайдиниса Қутлиева 1282 сўм 20 тийин пул ва 340 килограмм галла олди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Д. Нурматова С. Қутлиева нисбатан 70,4 килограмм ортиқ пилла топшириб, пулни салкам 2 баравар, галлани эса 2 баравар ортиқ олган. Бунинг асосий сабаби нима? Биз пландан ташқари топширилган пилланинг аъло ва биринчи сорти учун 22 сўм, иккинчи сорти учун 18 сўм, учинчи сорти учун 14 сўм пул тўладик. Шунингдек план бажарилгунча топширилган ҳар килограмм пиллага 3 килограммдан бугдой, пландан ташқари топширилган пилла учун эса 4 килограммдан шоли бердик.

Биз пиллачиларга бу йил ҳам худди ана шу тартибда ҳақ тўлаймиз. Шундай экан пилла қурти боқувчилар мўл ҳосил олиш мақсадида тут баргларини иложи борича кўпроқ қирқиб қуртга едиришга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли баъзан тут баргларидан тежамли фойдаланиш ўрнига исрофгарчиликка йўл қўйилиши мумкин. Шуни назарда тутиб, колхозимиздаги тутзорларни звеноларга олдиндан тақсимлаб бердик. Ҳар бир звено ўзига қарашли тутларни парвариш қилишулардан тежаб-тергаб фойдаланиш мажбуриятини олган.

Бу йил колхозимизда 600 қути қурт уруғи боқилади. Давлатга 336 центнер пилла топширишимиз керак. Пиллачиларимиз олинган мажбуриятни ортиғи билан бажариш, пилланинг кўп қисмини аъло, биринчи ва иккинчи сортга топшириш учун ҳозирдан актив курашаётирлар. Етарли миқдорда иссиқ ҳоналар ажратилиб, дезинфекция қилинди, сўкчаклар тайёрланди.

Пиллачилар вақтида етарли миқдорда дасталар ҳам тайёрлаб қўйишмоқчи. Шундай қилинмаса, даста қўйиш пайтига келиб, тошиб қолишимиз ва бу ишни пала-партиш бажариб қўйишимиз мумкин. Ўтган йиллар тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йили пилланинг таннархини камайтириш соҳасида етарли иш қилолмадик. Пилла етиштириш билан боғлиқ бўлган харажатларга кўп пул сарфланди. Аниқроғи, ҳар бир килограмм пилла учун ўрта ҳисобда 18 сўм 50 тийиндан пул тўланди, бошқа турли харажатлар учун эса 6 сўм 50 тийиндан пул сарфланди. Демак бир килограмм пилла колхозимиз учун 25 сўмга тушди. Биз бу йил пиллачиларга тўланадиган ҳақни камайтирмаган ҳолда, турли сарф-харажатларни иложи борича озайтирамиз. Шундай қилсак, пилланинг таннархи ўтган йилдагига қараганда анча камаяди.

А. ШУКУРАЛИЕВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз раиси.

Давлатга 59 тонна пилла ҳосили етказиб берамиз

ОРЖОНИКИДЗЕ. Яқинда район пиллачиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга колхозларнинг илғор пиллачилик бригада ва звено бошлиқлари қатнашди. Район партия комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ К. Тошпўлатова «Пиллачиликни ривожлантириш соҳасида ўтган йилги қилинган ишларнинг баъзибир якунлари ва бу йилги вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

Бу йил Оржоникидзе районида давлатга 59 тонна пилла топшириш — ҳар қути қурт уруғидан камида 50 килограммдан ҳосил олиш мажбурияти олинди. Докладчи бу юксак мажбуриятни бажариш учун нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида гапирди.

Музокарада сўзга чиққан Киров номли колхознинг пиллачилик звено бошлиғи Лутфи Ҳолматова, «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Зухра Матқобулова, Хрущев номли колхоздан Насиба Ёқубова, Ленин номли колхоздан Сабура Худойберганова, Навоий номли колхоздан Сабура Ҳошимова ва бошқа ўртоқлар бу йил ҳар қути қурт уруғидан камида 90—120 килограммдан пилла ҳосили олишга сўз бериб, бир-бирларини социалистик мусобақага чақирдилар.

Кенгаш қатнашчилари район пиллачилари номидан бу йил мўл пилла ҳосили етиштириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Замира АЛИМОВА.

Редакцияга жавоб қиладилар

„Юзта сиз биздан битта жиз-биз яхши"

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 11 март сонида босилган мақолада Гулистон районидаги «Красний Восток», Карл Маркс номли ва «Красная заря» колхозларида трактор-далачилик бригадаларига раҳбарлик қилиш йўлга қўйилмагани ва дала ишларида меҳнатни ташкил қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинган эди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Т. Умаров мақолада келтирилган фактларнинг исбот этилгани, бу масала колхоз раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик ходимларининг район йиғилишида муҳокама қилингани, юз бериб келган камчиликларга хотима бериш учун бир қатор тадбирлар кўрилганини редакцияга маълум қилди.

Жавобгарликка тортилдилар

Газетамизнинг шу йил 5 февраль сонида босилган «Раҳмлар исёни» сарлавҳали фельетонда Сирдарё районидаги Ильич номли колхозга бир тўда ярамас шахслар жойлашиб олиб, жамоат мулкини талон-торож қилаётганликлари фош этилган эди.

Область прокурори ўртоқ И. Набиевнинг редакцияга маълум қилишича, фельетонда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Прокуратура томонидан колхозда ўтказилган чуқур молиявий ревизия натижасида қишлоқ хўжалик артелининг кўпгина маблағлари талон-торож қилингани ва ўзлаштирилгани исбот этилган.

Колхознинг собиқ раиси М. М. Лапенко, раис ўринбосари И. М. Бондаренко, кассир-экспедитор А. Меербеков ва бошқалар устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошланган.

„Бу камчиликларнинг тезда олдини олиш керак"

Редакцияга келган хатларнинг бирида Мирзачўл районидаги 26 мактабда ўқув-тарбия ишлари бўшаштириб юборилганлиги, айрим ўқитувчилар дарсга пухта тайёрланмасдан киираётганликлари, дарслар паст савияда, кўргазмали қуролсиз олиб борилаётганлиги, мактабда отаоналар йиғилиши бирор марта ҳам ўтказилмаганлиги, район маориф бўлими бу мактабдан хабар олмаётгани кўрсатилган эди.

Область халқ маорифи бўлимининг ўринбосари ўртоқ Н. Загоруйконинг редакцияга маълум қилишича, хат юзасидан текшириш ўтказилганда, унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган.

Ўқув-тарбия ишларига раҳбарликни сусайтириб юборгани, шахсан ўз дарсида қатор камчиликларга йўл қўйгани учун мактаб директори И. Абдуллаевга маъмурий чора кўрилган. Ўқув-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиланган.

ФЕЛЬЕТОН

Маҳалладаги балохўрлар

Янгиобод маҳалласида дув-дув гап. Нима дейсанки, маҳалла комиссиясининг раиси Убайдулла Расулев, унинг ўринбосари Солих қори Мусаев, котиб Нажим Зайниддинов ва кассир-завхоз Илёс Иногомовлар жилла фойдаси тегса ўчоқдаги чўғни ҳам ютиб юборармишлар. Ажабо, фойда деб киши оғзи куйишини ўйламасдан чўғ ҳам ютадими? Шунақа ҳам «тантилик» бўладими?

Ҳа, дарҳақиқат шундай. Умрида бунақа миш-мишни эшитмаган киши аввалига таажжубланиб, бошини сарак-сарак қилади, гапнинг тагини билгач, тепа сочи тикка бўлади. Чўғ ютишга тайёр турган бу «ҳотамтой»лар оғиз куйдирмайдиган, тирнамайдиган, кирпи тиконидай қадалмай, силлиқроқ ўтадиган нарсаларнинг ҳидини олсалар, саккиз пахса девор ошиб бўлса ҳам ўша ерда ҳозир-нозир бўладилар, тарс ёрилиб кетишларига ҳам қарамай, ямламасдан жиғилдонга ҳавола қилаверадилар. Қорни тўйса ҳам кўзи тўймаган бу нафсингга ўт тушмагурлар жиғилдон дардида кўздарига илинган нарсани ютишга, ўликдан кафан, тириқдан пул шилишга ҳаракат қиладилар.

Расулев бир вақтлар партия аъзоси бўлган, Улуғ Ватан уруши даврида эса фронтдан қочгани учун ҳарбий трибунал томонидан 10 йилга ҳукм қилинди, штрафной батальонга жўнатилган эди. Урушдан кейин, яъни ҳозир мактаб илмий бўлим мудири ва математика ўқитувчисидир. У бирор олий ўқув юртини тамомламаган, қўлида дипломи ҳам йўқ. Ана шундай зот фалакнинг гардиши билан нима бўлди-ю 1954 йилда маҳалла комиссиясига раис қилиб сайланди. Расулев раис бўлдию атрофига икки карра иккини тўрт эмас, беш дейдиганларни тўплай бошлади. Мусаев ҳам, Зайниддинов ҳам, Иногомов ҳам ана ўшанда Расулевнинг қанотости остидан жой топган кишилардир. Булар юлғичликда бир-бирларига сўз беришмайди: бири аъза-бадза туяни қил суғиргандай нинанинг тешигидан оппа-осон ўтказиб, ҳазм қилиб юборса, иккинчиси қучоққа сиғмайдиган теракни қипиққа айлантириб ютиб юбораверади.

Ҳамтовоқлар ишга дурустроқ ўрнашиб олишгач, ўзаро тил бириктиришиб, маҳалладаги 600 хонадондан ҳолига қараб ҳар ой 4, 6, 8 сўмдан пул йиғиб, «қоровулга бериш»га жазм қилдилар. Котиб эртасидан бошлабоқ «қани, тез бўлинг»га тушди. Ҳар ой ўрта ҳисобда 3600 сўмдан йиғилди, унча-мунчаси номига қоровулга берилди бўлиб, қолгани балохўрлар ўйнатагини дўппайтираверди. Тома-тома кўл бўлур деганларидек беш йил ичида «қоровул пули»нинг ўзи 180.000 сўмга етди.

Кошки эди, тош келса кемираман, дарё келса симираман деб оғиз очиб, тиш қайраб турган бу азаматларнинг нафслари шу билан ором олган бўлса? Асло. Улар қачонлардир маҳалладан тушган пулга олиб қўйилган 113 та алюмин лаганни ўз мулкларидек ишга солдилар, яъни тўймаврака қилувчилардан 100-200 сўмдан пул олиб лаган бердилар. Шу лаганларнинг ҳизматидан ҳам 11300 сўм пул йиғилибди-я. Ҳатто қушдан ҳам пат таъма қилувчи юлғичлар Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини ўтказиш муносабати билан уй дафтарларини янгилаб беришни баҳона қилиб, 550 хонадондан жонига қараб 10 сўмдан тортиб 30 сўмгача пул олдилар. Ҳеч қандай меҳнат, машаққатсиз топилган 5500 ҳам иштаҳа бостира яраб кетди.

Виждонни жиғилдонга алмаштирган юҳтоплар ҳар куни маҳалла айланиб, янгилик қидирар эмишлар. Бунга ишонмоқ керак. Фараз қилайлик, участка сотиладиган бўлди — янгилик. Улар ана шу янгиликдан бирор нима ундириб олмасалар кечаси илон, чаён чаққан кишидек тўлганиб чиқадилар. Маҳалладa сотилган 24 участкадан 14600 сўм ширинкомона олинадию ёмонми? Ахир улар ҳам умид билан текин томоқ танни пок қилур деб юрибдилар. Большевик кўча, Эркин проездидаги 10-уйда турувчи Низом Мухсимовнинг ҳовлисини орқаворотдан Шариф Жалилов деган кишига 10.000 сўмга пуллаб, 500 сўм ширинкомона олгач, Мухсимовни 1957 йил 18 декабрда қаҳратон қиш совуғига қарамай 6 боласи билан кўчага ҳайдаб чиқарганлар ҳам шулар-да!

1957 йилда кўча бўйлари ва мозор атрофидан кесилган толларнинг 290 та ходаси қани? Бу ходаларнинг ўзини шундай ютишга юраклари дов бермади шекилли, донасини 25 сўмдан киши олмасдан пуллаб, ўзлаштириб юбордилар. Бир аравадан пояни қоровул Мўмин Ибодов билан уйларига жўнатдилар. 1958 йилда эса маҳаллага идора қуриш баҳонаси билан 25 йиллик кўк тераклардан 56 таси кестирилди, эски 4 хонали бино буздирилди. Ва идора қурилди, на бошқа. Теракдар ҳам, иморат ускуналари ҳам ўзаро хомталаш қилиниб, гойиб бўлди.

Мушук гўшт ҳидини олганда ялангандек бу улфати чор ҳам тушаётган «чакана» даромадлардан қониқмадилар шекилли, улгуржи даромад қилиш йўлини қидирди. Ниҳоят Иногомов Мусаевнинг «холис» маслаҳати билан Шарипов деган кимсадан 1664 килограмм узумни 6 сўмдан сотиб олди ва 1958 йил 14 сентябрда Шарипов билан самолётда Свердловск шаҳрига учиб кетди. Улар узумнинг ҳар килограммини 25 сўмдан сотиб қайтдилар. Ҳамтовоқлар қўйни-қўнжи тўлиб қайтган азиз дўстларини аэропортда икки букилиб кутиб олишди.

Хўш, бу найрангбозлар шунчалик жиноят қилган бўлсалар шунга яраша жазо олдиларми? Йўқ. Маҳалла активлари еб тўймас балохўрларнинг бу жиноятларини ўз вақтида фош этган, тегишли ташкилотларнинг бу ишга аралашувини талаб қилган эдилар. Район ва шаҳар ташкилотларидан келган комиссиялар юлғичларнинг кирдикорларини текшириб, айбларини бўйинларига қўйган эди.

Октябрь район прокурори ўртоқ Қосимова ҳам 1958 йил 13 октябрда активларга ёзган хатида ўз мансабидан фойдаланиб, талон-торожлик билан шуғулланаётган бу найрангбозлар устидан тушган шикоят текшириш натижасида тўла тасдиқланган ва уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилганини, текшириш олиб борилаётганини маълум қилган эди. Терговчи Камолов бу жиноятчилар ишига доир фактларни текшириб кўрган ва зарур ҳужжатларни тўплаган эди. Ҳозир бу ҳужжатлар терговчи Камолов қўлида. Бироқ кишини шуниси таажжублантирадики, деярли бундан 7 ой олдин бошланган текшириш ҳали ҳам охирига етказилган эмас. Жиноятчилар ҳамон дўппиларини чеккаларига қўйиб бемалол юрибдилар.

Терговчи Камолов шу йил 29 мартда активларга юборган хатида маълум қилишича, Расулев бошлиқ муттаҳамларни ишдан олиш тўғрисида район ижроия комитети раиси ўртоқ Мирҳўжаевга хат юборган эмиш. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. Бунақа ваъда, қоғозбозликнинг кимга кераги бор? Нима учун текшириш ишлари шу чоққача тамомланмайди? Активларнинг ҳақли талабларига нега эътибор берилмайди?

Миш-мишларга қараганда, юқорида номлари зикр этилган шахсларни ишдан олиш ва уларни жавобгарликка тортишга район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирҳўжаев рози бўлмаётган эмишлар. Аммо бу миш-мишларга ишониш қийин. Ахир ўзлари район ижроия комитетининг раиси бўлатуриб, қанақасига жиноятчиларни ҳимоя қилсинлар! Шунинг учун у кишидан гина қилсак ҳам бўлади, қилмасак ҳам.

Виждон ва номусни йиғиштириб қўйиб ўз манфаатларини қўлаб иш тутаётган шунга ўхшаган айрим маҳалла «амалдорлари» ҳам кўзларини очсинлар. Бир куни сир очилиб, бошга таёқ текканда аттанг деб бармоқларини тишлаб қолмасинлар.

Сами РАҲИМ.

«Ғарб давлатларининг Германия масаласидаги сиёсати тўғрисида ҳақиқат» деган тарихий справка босилиб чиқди

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрлиги ва Германия Демократик Республикаси Ташқи Ишлар министрлиги «Ғарб давлатларининг Германия масаласидаги сиёсати тўғрисида ҳақиқат» деб аталган ва бу масалага доир жуда кўп ҳужжатларга асосланувчи тарихий справка берадиган китобни Москвада ва Берлинда нашр қилдилар.

Ғарб давлатлари Потсдам битими бузилганлиги ва герман милитаризмининг тикланганлиги учун жавобгар эканлиги бу тарихий справкада жуда кўп асл ҳужжатлар ва фактлар асосида кўрсатиб берилган. Шу билан бир қаторда, китобда Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси Германия масаласини тинчликсеварлик ва демократик негизда ҳал қилиш учун кўп йиллар давомида изчиллик билан зўр бериб курашиб келаётганликларини кўрсатувчи ҳужжатлар ва фактлар келтирилган.

Бу китобни СССР Давлат сиёсий адабиёт нашриёти ҳамда Германия Демократик Республикаси Ташқи Ишлар Министрлигининг Матбуот ва информация бош бошқармаси кўп нусхада нашр этди.

Польшада Ленин информация-библиография маркази тузилди

ВАРШАВА, 19 апрель. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг хабар беришича, Варшавадаги Ленин музейи Ленин информация-библиография маркази тузишга киришган. Шу муносабат билан музей В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни, асарлар ва материалларни тўпламоқда. Бу ишда музейга Кутубхоналар марказий бошқармаси, партия тарихи институти ва партия маорифи марказлари, шунингдек айрим кишилар ёрдам бермоқдалар. Улар кўпгина қимматли материалларни, шу жумладан илгариги вақтда чиққан рус газеталарининг нусхаларини, революцион плакатларни, Ленининг ва сафдошларининг ҳозиргача маълум бўлмаган фотографияларини топширдилар.

Шу йил ўз фаолиятини бошлаб юборадиган бу марказ В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган лекцияларни, мақолаларни, брошюра ва виставкаларни тайёрлашда пропагандистларга, публицистларга, агитаторларга ёрдам беради.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Чехословакия жамиятининг съезди

ПРАГА, 20 апрель. (ТАСС). Кеча Прагада сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг иккинчи съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд ишида Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг жамият раиси академик М. Б. Митин бошлиқ делегацияси, шунингдек Болгария, Германия Демократик Республикаси, Венгрия, Польша ва Руминия вакиллари қатнашдилар.

Жамият Марказий комитетининг раиси Чехословакия фанлар академияси корреспондент-аъзоси Иозеф Мацекнинг докладида, съезд қатнашчиларининг нутқларида жамиятнинг катта ва самарали иш олиб бораётганлиги таъкидланди. Жамият ташкил қилингандан бери ўтган сал кам 7 йил мобайнида унинг аъзолари (ҳозир унинг 25 минг аъзоси бор) 270 мин лекция ўқидилар, бу лекцияларни 15 миллиондан ортиқ киши тинглади.

Съездда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Чехословакия ҳукумати раисининг ўринбосари Вацлав Копецкий нутқ сўзлаб, жамиятнинг фаолиятига юксак баҳо берди.

Съезд жамиятнинг фаолиятини кенгайтириш ва яхшилаш тадбирларини белгилади. Ғоят баланд руҳ билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрик хати қабул қилинди.

АМЕРИКАДА УЧИРИЛГАН «ДИСКАВЕРЕР-II» ДЕГАН СУНЪИЙ ИЎЛДОШ ТЎҒРИСИДА АССОШИЭЙТЕД ПРЕСС АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги Вашингтондан хабар беради: тахмин қилишларича, Америкада учирилган «Дискаверер-II» номли сунъий йўлдош мўлжалдагидан 20 кун олдин Ер атмосферасига тушиб ёниб кетади.

Олимларнинг айтишига қараганда, Калифорниядаги Ванденберг авиабазасидан 13 апрелда учирилган бу сунъий йўлдош яна 3—5 кунгина учиб юради, холос. Дастлаб бу сунъий йўлдош 30 кун учиб юради деб фараз қилинган эди.

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВА ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

ПЕКИН, 20 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, кеча Пекинда Хитой Коммунистик партияси ва Италия Коммунистик партияси вакилларининг учрашуви тўғрисида ахборот имзоланган. Ахборотни Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан — Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Дэн Сяо-пин, Италия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети томонидан — Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Жанкарло Пайетта имзолаганлар.

Хитой ва Италия коммунистик партиялари ҳамда халқлари ўртасидаги жипсликни ва дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида дейилади, жумладан, ахборотда, Хитой Коммунистик партияси делегацияси ва Италия Коммунистик партияси делегацияси самимий музокаралар олиб бордилар ва фикр алмашдилар.

Музокаралар қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

Бу музокаралар хитой халқининг социалистик қурилишдаги муваффақиятларини ва Хитой Коммунистик партиясининг иш тажрибасини италиялик ўртоқларнинг янада яхшироқ тушунишларига ҳамда Италия ишчилар ҳаракати олдида турган проблемаларни, Италия Коммунистик партиясининг иш ва кураш тажрибасини хитой ўртоқларнинг янада чуқур тушунишларига ёрдам берди. Иккала томон ҳозирги халқаро аҳволга ва халқаро коммунистик ҳаракатга таллуқли масалаларни ҳам муҳокама қилдилар ва тамомила бир фикрга келдилар.

Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети делегациясини унинг учун қулай бўлган вақтда Италияга боришга таклиф этади. Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

ФРАНЦИЯ ТИНЧЛИК МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПАРИЖ, 20 апрель. (ТАСС). Франция Тинчлик миллий кенгашининг сессияси кеча кечқурун Парижда ўз ишини тамомлади. Сессия қатнашчилари Жазоир тўғрисидаги масалани ва Германия проблемасини, шунингдек ядро уруш хавфига қарши кураш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар ҳамда улар юзасидан тегишли резолюциялар қабул қилдилар.

Тинчлик миллий кенгаши Жазоирни «тинчитиш» сиёсати деб аталган сиёсатнинг барбод бўлганлигини таъкидлаб, Жазоир проблемасини бартараф қилишнинг бирдан-бир йўли «уруш кимга қарши олиб борилаётган бўлса, шулар билан сиёсий музокаралар юргизиш йўлидир», деб таъкидлайди. Тинчлик миллий кенгаши французларнинг Жазоирдаги уруш тўғрисидаги фикрини сўраш кампаниясини давом эттиришга қарор қилди. Резолюцияда «Бошқа жойлардаги сингари Жазоирда ҳам музокаралар зўравонликни енгиб чиқади», деб ишонч билдирилади.

Ядро уруши хавфи тўғрисидаги масала юзасидан қабул қилинган резолюцияда ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун актив кураш олиб бориш ғоят зарур эканлиги таъкидланади. «Биз атом қуроли ишлаб чиқарилишига, тўпланишига, бу қурол синовларига ва қўлланилишига қарши эканлигимизни эслатиб ўтамиз» — дейилади бу ҳужжатда. «Мамлакатимизнинг обрўси, манфаатлари ва хавфсизлиги — дейилади резолюцияда, — Франция ҳам, унинг контроли остидаги бошқа территориялар ҳам атом қуроли ишлаб чиқарилмаслигини, тўпланмаслигини ва синалмаслигини талаб этади».

Тинчлик миллий кенгаши Германия масаласи юзасидан эълон қилинган баёнотни ҳам маъқуллади. Бу баёнотда тинчлик ишлар министрларининг кенгаши очилиши олдидан Франция жамоатчилиги Европа хавфсизлигига таҳдид туғдирадиган аҳволга ҳотима беришни талаб этаётганлигини қатъий равишда айтиши лозим, дейилади.

«Берлиндаги аҳвол совуқ урушни шунчалик кескинлаштирдики, — дейилади резолюцияда, — бу аҳволни музокаралар олиб бориш билан бартараф қилиш йўлини дарҳол топиш зарур. Бу аҳволни бартараф қилиш мумкин. Буюк давлатлар Германиянинг Потсдам битими билан белгиланган чегаралари бузилмас бўлиб қолишини эълон қилишлари лозим.

Икки герман давлати пировард оқибатда бу мамлакатларнинг қайта қўшилишига эришмоқ учун иқтисодий, сиёсий ва маданий қаётнинг барча соҳаларида тинч яқинлашиш воситаларини қидириши лозим.

Барча манфаатдор мамлакатлар Европанинг марказида контроль қилинадиган зонани вужудга келтириш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишлари лозим. Бу зонада қурол-яроғлар ва қуролли қучлар чеклаб қўйилган бўлсин, ядро базалари эса тақиқлансин. Буни Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам тобора кўпроқ арбоблар ва сиёсий ташкилотлар талаб қилмоқда».

Тинчлик миллий кенгаши ҳозирги вақтда Францияниг сиёсати Бонн билан Париж ўртасида маҳкам иттифоққа асосланаётганлигини ҳамда герман милитаризмининг қайтадан вужудга келишини рағбатлантираётганлигини таъкидлаб, бу хил сиёсат Францияниг миллий манфаатларига жавоб бермайди деб кўрсатади.

Ироқ жамоатчилиги Бандунг конференциясининг 4 йиллигини нишонламоқда

БАҒДОД, 20 апрель. (ТАСС). Ироқ жамоатчилиги тарихий Бандунг конференциясининг 4 йиллигини нишонламоқда.

Бандунг конференцияси, деб ёзади «Ассавра» газетаси, халқларнинг халқаро тинчликни мустаҳкамлаш йўлида, халқларга миллий суверенитет, озодлик ва мустақиллик берилиши йўлида биргаликда олиб бораётган курашидаги бирдамлиги ва ҳамкорлигининг ажойиб намунаси бўлди. Газета шу конференция қатнашчилари томонидан қабул қилинган позитив бетарафлик принципларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

«Албилод» газетаси «Ўлмас Бандунгнинг 4 йиллиги» сарлавҳали бош мақоласида бундай деб ёзади: Бандунг конференцияси унинг ишида қатнашган мамлакатлар халқларининг тарихида буюк воқеалардан бири бўлди, чунки бундан тўрт йил муқаддам «Икки қитъа — Осиё ва Африка халқлари учрашиб, мустақиллик ва демократия йўлидаги ўз курашларига асос қилиб олинган ўлмас принципларни ишлаб чиққан эдилар».

Ироқ Республикаси, деб ёзади «Алаҳоли» газетаси, ўз сиёсатида Бандунг конференцияси қабул қилган позитив бетарафлик принципларига амал қилмоқда. Ироқ, деб давом қилади газета, шу сиёсатга содиқ бўлиб, чет эллар билан ҳарбий битимларда қатнашмасдан бош тортади, ўз мустақиллигини чет эллар-нинг аралашувидан ҳимоя қилади ҳамда тенглик ва ўзаро манфаатлилик принципларига асосланган ўз халқаро алоқаларини мустаҳкамлайди. Шу сабабли, деб ёзади пировардида газета, Бандунг конференциясининг қарорлари биз учун шунчалик муҳим аҳамиятга эга.

Гертер АҚШнинг давлат секретари қилиб тайинланди

ВАШИНГТОН, 18 апрель. (ТАСС). Америка телеграф агентликларининг Огастадан (Жоржия штати) берган хабарларига қараганда, президент Д. Эйзенхауэр ҳозирги вақтда давлат секретари вазифасини бажариб турган К. Гертерни АҚШнинг давлат секретари қилиб тайинлаган. Гертернинг бу вазифага тайинланганлиги сенатда тасдиқланиши лозим.

Расмий малумотларга қараганда Америка Қўшма Штатларида 5 миллионга яқин ишсиз бор. Айниқса америка автомобиль саноатининг маркази — Детройтда ишсизлар жуда кўп. Суратда: Форд автомобиль заводлари ишчиларининг ишсизликка қарши митинги.

Чехословакия телеграф агентлигининг фотоси.

Пойтахтимизнинг БИР КУНИ

«НАУКА И ЖИЗНЬ» ЖУРНАЛИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда Тошкентдаги олимлар уйида сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти томонидан чиқариладиган «Наука и жизнь» номли журнал ўқувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда журналнинг масъул секретари Л. Н. Познанская журнал фаолияти ва унинг олдида турган вазифалар ҳақида доклад қилди.

Конференцияда журнал ўқувчиларидан кўп киши сўзга чиқди. Улар журналнинг ютуқлари ҳақида гапириш билан бирга камчиликларига ҳам тўхталдилар. Жумладан, нотиқлар журнал саҳифасида ёш олимларга кам ўрин берилаётгани, материаллар оммабоп эмас, балки оғир илмий тилда ёзилаётгани, медицина соҳалари кам ёритилаётгани ҳақида гапирдилар. Конференция қатнашчилари журнал ишини яхшилашга қаратилган таклифлар ҳам киритдилар.

З. ҚАМБАРОВ.

«ҲУРРИЯТ» ПЬЕСАСИ ҚИЗЛАР КЛУБИ МУҲОКАМАСИДА

Тошкент Давлат педагогика институти физика-математика факультетида ташкил қилинган қизлар клубида тез-тез қизиқарли темаларда суҳбат ўтказиб турилади.

Клуб аъзоларининг яқинда бўлган навбатдаги йиғилиши драматург Уйғуннинг «Ҳуррият» пьесасини муҳокама қилишга бағишланди. Муҳокамада Уйғун ва пьеса саҳналаштирган Ҳамза номли театрнинг бир группа артистлари ҳам иштирок этдилар. Студент Лола Раҳматуллаева «Ҳуррият» асари ҳақида батафсил сўзлади. Шундан сўнг Х. Нурматова, Н. Эгамберганова, Н. Мирзаевалар сўзга чиқиб, асарнинг ютуқ ва камчиликлари, артистларнинг ижрочилик маҳорати ҳақида ўз фикрларини айтдилар.

Драматург ва шоир Уйғун сўзга чиқиб, ўз ижодий планлари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек муҳокамада СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР халқ артисти А. Тўраниев ҳам сўзладилар. Муҳокама жуда мазмунли ўтди.

О. САЙДАМИНОВ.
Ш. ТУЛАГАНОВ.

Тошкентдаги «Шарқ гули» артелининг мережкачи кекса чевари А. С. Газарована корхона коллективи жуда ҳурмат қилади. У ўз постида фидокорона ишлаш билан бирга, ёшларга бажонидил ҳунар ўргатади. Суратда: кекса чевар А. С. Газарова (чапдан) ўз шогирди Машкура Юнусова тиккан мережка сифатини кўздан кечирмоқда.

Т. Мунавваров фотоси.

Пойтахтимиздаги табиий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейида турли темаларга бағишланган стендлар жиҳозланган. Меҳнаткашлар бу ерга кўплаб келиб турадилар. Суратда: музейнинг илмий ходими С. Давлатшаева экскурсантларга ислом динининг реакцион моҳиятини фош қилишга бағишланган стенд материалларини тушунтирмоқда.

В. Салов фотоси.

Коммунистчасига ишлаш ва яшаш учун

Пойтахтимиз саноат корхоналарида 800 га яқин коллектив коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Шу кунгача 50 бригадага ана шу шарафли ном берилди. «Узбексельмаш», электролампа, Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт, «Таштирмаш» заводлари, Тошкент трамвай-троллейбус тресті ва бошқа саноат корхоналарининг комсомол-ёшлари меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар, маҳсулот сифатини яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширмоқдалар. Ёшлар намунали меҳнат қилиш билан бирга, коммунистик аҳлоқ қоидаларига риоя қилишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётирлар, ўз устларида қунт билан ишлаб, техника ва сиёсий билимларини оширмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикасида В. Пидинова бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари етти йилликнинг биринчи йили планини Улуғ Октябрнинг 42 йиллигигача бажариш ва плондан ташқари 70 тонна маҳсулот топириш учун курашмоқдалар. Улар илғор методларни ишлаб чиқариша жорий қилиш туфайли ҳозирнинг ўзида меҳнат унумдорлигини 12 процент оширдилар. Бригада аъзолари унумли ишлаш билан бирга турли ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларида билим олишмоқда. Комбинатда коммунистик меҳнат бригадалари номини олиш учун курашувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Н. СИРОВА.

Уч юздан ортиқ ёш мутахассис

Тошкент ҳисобчи-бухгалтерлар тайёрлаш техникуми ҳар йили республикамизнинг колхоз, совхоз ва РТС хўжаликларида бухгалтерия ва ҳисоб ишларини олиб борувчи кўплаб мутахассис кадрлар тарбиялаб чиқаради. Ўтган йили техникум 200 га яқин ёш мутахассис тайёрлаб, ишлаб чиқаришга узатган эди.

Бу йил эса техникумни 300 дан ортиқ ўқувчи тамомлайди. Ёш мутахассислар республикамизнинг турли областларига борib ишлайдилар. Шу кунларда битирувчи курс ўқувчилари давлат имтиҳонларига қизғин тайёрланмоқдалар.

М. ХОЛМАТОВ.

Спортчи жамоат инструкторлари учун семинар

Тошкентда касаба союзлари физкультура коллективлари жамоат инструкторлари учун волейбол, баскетбол ва теннис бўйича 10 кунлик семинар ўтказилди. Семинарда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан келган 100 дан ортиқ физкультура ходими қатнашди. ВЦСПС томонидан ташкил қилинган бу семинарда ВЦСПСнинг масъул ходимлари ва Тошкентдаги тажрибали физкультура ўқитувчилари лекция ўқидилар ҳамда амалий машғулотлар ўтказдилар.

Т. ЗУФАРОВ.

«МУШТУМ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

«Муштум» журналининг навбатдаги 7-сони босмадан чиқди. Журнал йил бошида квадрат-уялаб экиш тўғрисида оғиз кўпиртириб гапириб, аммо кўп вақт ўз ваъдаларидан устидан чиқмайдиган айрим колхоз ва совхоз раҳбарларини танқид қилувчи карикатура ва «Алдарвойлар» сарлавҳали танқидий материал билан очилади.

Журналда босилган «Таннoз» сарлавҳали шеърда бутун диққатини пардозу-андозга қараган баъзи сатанг студенткалар устидан кулинади.

Шунингдек, журналда сатирик ва юмористик шеърлар, турли карикатуралар босилган.

Телевизор экранида

21 АПРЕЛДА

19.30. «Совет Узбекистони хотин-қизлари» тележурналининг 4-сони.
20.20. Киножурнал.
20.30. Сўнгги ахборот.
20.50. «Жанговар байроқлар остида» деган ҳужжатли фильм.
22.00. Қишлоқ хўжалик фильмлари кинофестивали.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Республика биринчилиги учун

Тошкентда икки ҳафтадан бери республика биринчилиги учун шахмат мусобақаси давом этмоқда. Мусобақа охири яқинлашган сари биринчилик учун кураш кескинлашмоқда. Мусобақанинг биринчи куниданоқ тошкентлик мастерликка кандидат Л. Баренбаум лидерликни ўз қўлига олди. У, ўн биринчи турда Тошкент область чемпиони С. Неверов устидан навбатдаги галабани қўлга киритиб, ўз аҳволини яна ҳам яхшилаб олди.

Республика чемпиони А. Грушевский мусобақа бошида анча муваффақиятсиз ўйнаган бўлса ҳам, аммо кейинги учрашувларда мастерликка кандидатлар А. Шапиро, У. Элбеков, И. Бирбрагер (ҳаммаси Тошкент), М. Сарваров (Самарқанд), ва И. Назаров (Андижон) устидан ютиб-ютиб галаба қозониб, лидерлар қаторига ўтиб олди.

Ҳозир ўн бир турдан сўнг Л. Баренбаум 8,5 очко, А. Грушевский билан Л. Бударин 7 тадан очко, М. Сарваров 6,5 очко тўплаб, мусобақада олдинда бормоқдалар.

Мусобақа давом этмоқда.

К. Ерниёзов.

Кўп кунлик велосипед пойгаси

Пойтахтимиздаги Ленин майдонида эртага кўп кунлик республика велосипед пойгасига старт берилади. Пойгачилар Тошкент—Бухоро—Тошкент маршрути бўйича 1226 километр масофани босиб ўтадилар. Бу масофа саккиз этапга бўлинган.

Мусобақада «Меҳнат», «Пахтакор», «Буревестник», «Спартак», «Динамо», «Локомотив», «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятларидан терма командалар, қуйи спорт коллективлари спортчилари қатнашадилар. Шунингдек мусобақада қардош Тожикистон республикаси «Тожикистон» ва «Урожай» спорт жамиятларидан ҳам 3 та команда конкурсдан ташқари иштирок этади. Пойгада ҳаммаси бўлиб 13 та команда мусобақалашади. Пойгачилар билан бирга махсус санитария ва техника ёрдами машинаси ҳам йўлга чиқади, ҳар юз километрда сув ичиш пунктлари ташкил этилади.

Бўлажак пойга республикамиз спортчиларининг СССР халқлари иккинчи спартакиадасига кўраётган тайёргарликларига кўрик бўлади. Пойгачилар финиш-марказий «Пахтакор» стадионига 30 апрель куни кириб келадилар.

Ҳисоб очилмади

Ўтган дам олиш куни минглаб футбол ишқибозлари Марказий «Пахтакор» стадионига тўпландилар. Улар мавсумнинг иккинчи кунида «Б» классидаги «Меҳнат резервлари» (Тошкент) ва «Строитель» (Уфа) командалари учрашувини тамоша қилдилар. Бу учрашувда ҳар иккала команда кучлари деярлик тенг эканлиги маълум бўлди. Бир ярим соат давом этган қизғин мусобақа натижасиз (0:0) тугади.

Л. Пьянцев.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

Кутилмаган ҳодиса

Югославиянинг кичик бир шаҳарчаси стадионида футбол ўйини... Тамошабинлар ўйинни ҳаяжон билан кузатардилар. Ўйинчилардан бири тўпни жуда қаттиқ тепган эди, у осмони фалакка чиқиб кетади ва... қайтиб ерга тушмайди. Тамошабинлар бу кутилмаган ҳодисадан бир нафас саросимага тушиб қолдилар. Аммо орадан бироз вақт ўтгач, одамлар орасида ғовур кўтарилди. Бундай тасодифнинг сабабчиси бургут эди. У футбол майдони устидан учиб ўтаётганида ҳавода тўпга дуч келади ва тасодифий «ўлжа»ни дарҳол тирноқлари исканжасига олади. Бургут стадиондан бир километрча узоқлашгач, тирноқларини ёзиб, тўпни тушириб юборади.

Тез, қулай, бепул

Индонезиянинг Надина ва Палан ороллари атрофидан ер ости йўлдан сув айланиб оқади. Оролда яшовчилар бу сувдан почта сифатида фойдаланадилар. Улар хатни шишага солдилар-да, оғзини маҳкам беркитиб, сувга оқизиб юборадилар. Сув — почта эса аҳолига «жуда сидқидиллик билан» хизмат қилиб, хатни эгасига барвақт етказиб беради. Тез, қулай ва бепул бу воситадан жуда кўп киши фойдаланади. Бир оролдан сувда жўнатилган хат қўшни оролга бир суткада етиб боради. Пароход билан эса бу оролга ҳафтада атиги бир марта почта олиб келинади.

Юрувчи ўсимлик

Табиатда юрувчи ўсимлик ҳам бор. Бу перуан саҳроларида ўсувчи «анданте» (юрувчи) кактусидир. Бу ўсимликда илдизлар ўрнида бутоқлар бўлиб, у ўткир тиканаклар билан қопланган. Шамол кучи билан кактус жуда узоқ-узоқларга юриб кетади. Бу ўсимлик нам ва озиқани тупроқдан эмас, ҳаводан олади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да **Юлий Цезарь** (билетлар сотилган), 22/IV да **Ҳуррият.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/IV да **Улуғбек**, 23, 25/IV да янги спектакль **Демон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/IV дан бошлаб, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Акрам Юсупов** ва бошқа қизиқчилар иштирокида **Кулги кечаси.** Программада: қизиқчилар паради, қизиқчилик тамошалари, ҳазиллар ва бошқа цирк номерлари. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ВАТАН» — эрталаб соат 9-40 минутда янги бадиий фильм **Кўзали қиз**, кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3-серия).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Кўзали қиз**, кундуз 4-45 минутда **Милтиқли киши.**

«ФЕСТИВАЛЬ» (ёзги «Искра») — кеч соат 8 яримда кенг экранли фильм **Булутли тонг.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Ульяновлар оиласи**, кундуз 2 дан янги бадиий фильм **Киевлик қиз** (2-серия).

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

Катта ҳақиқат санъати

НОМЛИ ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ-ҲИКОЯ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий автори — **А. Анастасьев.**

Режиссёр — **И. Посельский.**

Оператор — **О. Рейзман.**

Рассом — **И. Нижник.**

Текстни **Л. Хмара** ўқийди.

Бу фильм М. Горький номли Москва Бадиий Академик театрининг 60-йиллигига бағишланган.

Фильмни Москвадаги ҳужжатли фильмлар Марказий студияси 1959 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00946. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1576.